

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 42 Инг
КБК 81.2 Инг-5
А 13*

АБДУАХАДОВА ЗИЛОЛА ЖАМОЛИДДИНОВНА

**5А 120201 – Таржима назарияси ва амалиёти (инглиз тили)
мутахассислиги бўйича магистр академик даражасини
олиш учун ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

**МАВЗУ: ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ СОМАТИК
ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ЛИНГВО-СТИЛИСТИК, ПРОГМАТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИДА БЕРИЛИШИ
(лексикографик манбалар асосида)**

Илмий раҳбар: доц. Кўчибоев А.

“Иш муҳокама қилинди ва ҳимояга тавсия этилди”
(___-сонли баённома, 2015 йил “__” _____)



Таржима назарияси ва
амалиёти кафедраси мудири

доц. Турдиева Н.Ё.

Самарқанд –2015

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
I БОБ. ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ СОМАТИК ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ(СФБ) СТРУКТУР-СЕМАНТИК ТАЛҚИНИ	
1.1. Соматик фразеологизм тушунчасининг моҳияти	10
1.2. Инглиз ва ўзбек тилларидаги соматик фразеологик бирликларнинг (СФБ) лексик-грамматик хусусиятлари.....	18
I боб бўйича хулосалар	23
II БОБ. СОМАТИК ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР (СФБ) ИНСОННИНГ ШАХСИЙ СИФАТЛАРИНИ ИФОДАЛАШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА	
2.1. Инглиз ва ўзбек тилларидаги СФБларнинг лингво-семантик ва прагма- когнитив таҳлили	27
2.2. Hand, tay- «қўл» компонентли СФБларда инсоннинг шахсий сифатларини ифодаланиши.....	37
2.3. Eye, mat – «кўз» компонентли СФБларда инсоннинг шахсий сифатларини ифодаланиши.....	40
2.4. Head, dau – «бош» компонентли СФБларда инсоннинг шахсий сифатларини ифодаланиши.....	43
2.5. Nose– «бурун» компонентли СФБларда инсоннинг шахсий сифатларини ифодаланиши.....	46
II боб бўйича хулосалар.....	48
III БОБ. ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ СОМАТИК ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРДА ТИЛЛАРАРО МУҚОБИЛЛИК ВА ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ	
3.1. Инглиз ва ўзбек тилларидаги СФБларда мазмуний мувофиқлик ва тиллараро муқобиллик муаммолари	52

3.2. Инглиз ва ўзбек тилларидаги СФБлардаги тиллараро муқобиллик типлари	58
3.3. Head -бош, eye-кўз, hand-қўл, foot -оёқ ва heart-юрак(қалб) компонентли фразеологик бирликларни эквивалентлик назарияси нуқтаи назардан талқини.....	67
III боб бўйича хулосалар.....	76
ХУЛОСА	80
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	86

КИРИШ

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг фан ва маорифга эътибор қаратилиши янгича тус олди. Хусусан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида [2, Б. 34.] хорижий тилларни ўрганишнинг ўрни ва муҳимлигига асосий эътибор қаратган ҳолда қуйидаги масалани долзарблигини айтиб ўтади: «Мамлакатимизда хорижий тилларни ўрганишнинг миллий асосидаги жадаллаштирилган методикасини тайёрлашни тезлаштиришимиз зарур» [3, Б. 312] Шунингдек, Президентимиз И.А Каримов ўз нутқларида ёш авлодни тарбиялаш ва баркамол инсон бўлиб етишида жамият ривожланишида «юксак маълумотли, бақувват, соғлом, матонатли кишиларгина янгилиниш ва тараққиёт йўлини босиб ўта олади. Халқимизнинг буюк аждодлари ўй-фикрлари ва интилишлари ва интилишлари сарчашмаларига бориб тақаладиган маънавияти иқтисодий ўзгаришларининг пойдевори бўлиши» [2, Б. 344.] ни таъкидлаб келган. Олий Мажлис томонидан ишлаб чиқилган кадрлар тайёрлаш миллий дастури (Олий Мажлис IX сессиясида қабул қилинган) ушбу масалаларни ҳал этишни олдига мақсад қилиб қўяди. Президент Ислон Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақириғида) сўзлаган нутқида кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мурожат қилар экан, «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш, ҳаётга татбиқ этиш, ҳеч муболағасиз, стратегик мақсадларимиз – фаровон, қудратли, демократик давлат, эркин фуқоролик жамияти барпо этишимизнинг асоси бўлмоғи зарур» [2, Б. 34.]

Кейинги ўн йилликда қиёсий тилшунослик масалалари тез-тез лингвистик тадқиқотлар мавзуси бўлаётганлиги кўзга ташланмоқда. Қардош бўлмаган инглиз ва ўзбек тиллари фразеологик тизимини қиёслаб ўрганиш ҳар икала тиллардаги бундай бирликларни семантикасини солиштириб ўрганиш - уларда ўз аксини топган нарса, воқеа ва ҳодисалар номинациясини, уларга нисбатан ифодаланган прагматик муносабатларни,

шу тилларга хос тарихий, миллий ва маданий тажрибани, дунёқараш ва менталитетни, семантик-стилистик ва функционал ўхшашлик ва фарқларни ўрганиш билан қизиқарлидир. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов яқинда Самарқандда ўтказилган халқаро илмий анжуманда: «Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун чет эллик шерикларимиз билан ҳамжиҳатликда ва ҳамкорликда ўз буюк келажагини кураётган халқимиз учун хорижий тилларни мукамал билишнинг аҳамиятини баҳолашнинг ҳожати йўқдир». –деб таъкидлагани бежиз эмас. Президентимизнинг бу фикри айниқса инглиз тилидан ўзбек тилига, ўзбек тилидан инглиз тилига маданиятлараро мулоқотни ташкил қилишда энг кўп учрайдиган, таржима жараёнининг турли аспектларидаги таржимавий муаммоларнинг ўрганишда қатор вазифаларни ҳал қилиш вазифасини илгари сурмоқда.

Фразеологик бирликларда турли халқларга хос турмуш тарзи, тарихи, ва халқ маданиятига, урф-одатларига, анъаналарига хос хусусиятлар ёрқин ва образли ифодаланади. Фразеологик бирликлар халқнинг маънавий ва моддий қадриятлари жамият тараққиётига хос бўлган ўтмишда ва ҳозирги кунда тилда ўз аксини топган фразеологизмлар луғат таркибига кириб, асрлар жараёнида авлодлардан-авлодларга етказилади. Шу нуқтаи назардан фразеологизмлар оламни миллий-маданий, лисоний манзарасини ифодалайдиган тил бирликларнинг муҳим қисми ҳисобланади.

Турли тилларга мансуб фразеологик бирликларнинг қиёсий тадқиқи шу пайтгача кўплаб олимларнинг илмий тадқиқотларида ўрганилган [29, Б. 263]. Айни пайтда инглиз ва ўзбек тилларидаги соматик фразеологик бирликлар семантикаси қиёсий планда структур-семантик аспектда етарлича тадқиқ қилинмаган. Соматик фразеологик бирликларни семантик структурасини лингвомаданиятшунослик, прагматик ва когнитив асосларини қиёсий аспектда ўрганиш ҳозирги замон тилшунослигининг марказий муаммоларига айланиб бормоқда. Айниқса бу масалани тиллараро муқобиллик, эквивалентсиз лексика ва сифатида

лингвомаданиятшунослик, когнитив нуқтаи назардан ўрганилиши тилшуносликдаги янгича ёндашув сифатида кўплаб тадқиқотчиларнинг эътиборини тортмоқда. [36, Б. 37].

Мавзунинг долзарблиги. Қардош бўлмаган тилларнинг тиллараро муқобиллик, эквивалентсиз лексика сифатида лингвомаданиятшунослик, когнитив нуқтаи назардан ўрганилиши соматик фразеологик бирликлар семантикасидаги умумий ёки универсал белгиларини, дифференциал ёки бир тилга хос хусусиятларни атрофлича таҳлил ва талқин қилиш имкониятини бериши билан долзарб масаладир.

Соматик фразеологик бирликлар семантикасидаги миллий-маданий ўзига хосликларни вужудга келишининг когнитив асосларини тадқиқ қилиш, бу борадаги лингвистик ва экстралингвистик омилларни ҳам аниқлашга, уларни ҳам қиёсий таҳлилга тортиш имкониятини беради.

Мавзуни танлашда инглиз ва ўзбек тилларидаги соматик фразеологизмларни структур-семантик аспектда эквивалентларини аниқлаш, эквивалентсиз бирликларни аниқлаш ва уларни ўзбек тилида берилиши масаласини атрофлича ўрганишни мақсад қилиб қўйдик.

Ишимизнинг концептуал базаси сифатида ҳозирги замон тилшунослигида шаклланган асосий тушунчалар ва назарияларга таяндик.

Фразеологик бирлик деганда биз тилда турғунлашган, алоҳида компонентлардан ташкил топиб ягона маъно англатувчи бошка сўз туркумлари билан муайян қоидалар асосида бирикадиган лисоний ибораларни тушунамиз. Бунда фразеологик бирликнинг компоненти «сўзнинг асосий маъносини йўқотган ҳолда фразеологизмнинг асосий таркибий қисмига айланади, яъни компонент эркин сўз бирикмасининг метафорик қайта идрок қилиниши натижасида маъно англатувчи сўзга айланади» [5, Б. 79-84]. Семантик яхлитлик дейилганда эса фразеологизм таркибидаги компонентларнинг иккиламчи маъно англатиши жараёнида ҳосил бўлган ички мазмуний бирлик тушунилади.

Тадқиқотимиз объекти сифатида инглиз тилида инсон танаси аъзоларининг ном билан ясаладиган фразеологик бирликларнинг структур-семантик хусусиятлари ва уларнинг ўзбек тилидаги муқобиллари масаласи танланди.

Тадқиқотимиз предмети инглиз тилидаги СФБларнинг структур семантик хусусиятларини лингвомаданиятшунослик, прагматик ва когнитив асосларини қиёсий аспектда ўрганиш ва уларнинг ўзбек тилидаги муқобилларини аниқлашдир.

Тадқиқотимизнинг мақсади инглиз ва ўзбек тилларидаги соматик фразеологик бирликларнинг қиёсий таҳлили орқали уларнинг типологик ўхшаш ва фарқли томонларини лингвомаданиятшунослик ва социолингвистик аспектларда ўрганишдир.

Юқоридаги мақсаддан келиб чиққан ҳолда магистрлик диссертациямизда **қуйидаги вазифаларни амалга оширишни белгиладик:**

1. Инглиз тили фразеологик луғатларидан соматик компонентли фразеологик бирликларни танлаш ва уларнинг ўзбек тилидаги муқобилларини топиш;

2. Инглиз тилидаги СФБларни структур –семантик таҳлили орқали фразеологизмлар компонентлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни аниқлаш, бу муносабатлар орқали ҳар иккала тилга хос СФБларнинг алоҳида моделларини аниқлаш;

3. СФБларнинг семантик характеристикасини аниқлаш, бу орқали уларнинг сигнификатив, денотатив, коннотатив маъноларини, шунингдек баҳоловчи, эмоционал-экспрессив маъноларини қиёслаш асосида аниқлаш;

4. Ҳар иккала тилдаги СФБларни қиёсий таҳлилини тўлиқ ва қисман муқобиллик, эквивалентсиз лексика нуқтаи назардан когнитив –прагматик таҳлилини амалга ошириш, бу жараёнда ҳар иккала тилга хос универсаллик ва дифференциаллик белгиларини аниқлаш ва уларни ўзбек тилида берилиш усуллари ва воситаларини аниқлаш.

Магистрлик диссертациямизнинг илмий янгилиги қуйидаги ҳолатларда ўз аксини топади:

1. Ишимизда илк бора инглиз тилидаги соматик фразеологизмларнинг структур семантик хусусиятлари лингвомаданиятшунослик, социолингвистик, прагматик, таржима аспектларида ўхшаш ва фарқли хусусиятлари, соматик компонентларнинг фразеологизмлар яшашдаги функциялари когнитив ёндашув асосида ўзбек тилидаги фразеологизмлар билан қиёслаб ўрганилмоқда.

2. Ишимизда СФБларнинг баҳоловчи, эмотив, экспрессив ва функционал-стилистик функциялари эквивалентлик, қисман эквивалентлик ва эквивалентсиз лексика нуктаи назардан ўрганилди.

Тадқиқот методлари сифатида ишимизда А.В.Кунин томонидан ишлаб чиқилган қиёсий типологик таҳлил, компонент таҳлил ва фразеологик изоҳ методларидан фойдаландик.

Тадқиқотимиз материали сифатида инглиз ва ўзбек тили фразеологик луғатларидан танлаб олинган СФБлардан фойдаландик.

Магистрлик диссертациямизнинг назарий аҳамияти эришилган натижаларимиз ҳар иккала тилдаги соматик фразеологик бирликлар структур-семантик хусусиятлари борасида олиб борилган тадқиқотларни янада чуқурлаштириши ва бойитиши билан изоҳланади.

Магистрлик диссертациямизнинг амалий аҳамияти, ишланган натижа ва хулосалар ўзбек ва инглиз тилида яратилажак соматик фразеологик бирликлар луғатини тузишда, олий ўқув юртларида лексикология, фразеология, таржима назарияси ва амалиёти, лингвомаданиятшунослик, социолингвистика фанларидан назарий ва амалий машғулотлар уюштиришда фойдаланилиши мумкин.

Мавзу бўйича қуйидаги илмий мақолаларимиз эълон қилинди:

1.Инглиз ва узбек тилларидаги соматик фразеологизмларда тиллараро эквивалентлик масаласини ўрганишга доир. ("Хорижий филология". Илмий мақолалар тўплами. - Сам.:СамДЧТИ,-2014-Б.75-77).

2.Сопоставительный анализ соматических фразеологизмов Узбекского и Английского языков. (“Таржима ва лингвистика”. Илмий мақолалар тўплами 2-чиқиш.- Сам.:Сам ДЧТИ,-2015-Б.57-59)

Ишимизнинг тузилиш тавсифи : тадқиқот мавзуимиз уч боб, ҳар боб учун хулосалар, 9 параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, иш мазмуни 91 саҳифа компьютер ёзувида баён қилинди.

Биринчи бобда “*Соматик фразеологизм*” тушунчасининг моҳияти ҳамда уларнинг лексик-грамматик хусусиятлари инглиз ва ўзбек тиллари асосида қиёсий ўрганилган.

“*Соматик фразеологик бирликлар инсоннинг шахсий сифатларини ифодалаш воситаси сифатида*” деб номланган **иккинчи бобда** СФБларнинг лисоний мазмуний ва прагматик когнитив таҳлили ҳақида фикр юритилиб,

“ hand”, “eye”, “head”, “nose” каби соматик фразеологизмларнинг лексик-семантик таҳлили амалга оширилган .

Ишнинг “*Инглиз ва ўзбек тилларидаги соматик фразеологик бирликларда тиллараро муқобиллик ва таржима муаммолари*” деб номланган **учинчи бобда** инглизча СФБларнинг ўзбек тилига таржима қилиш билан боғлиқ амалий масалалар ўрганилган, бу боб мазмуни илмий нуқтаи назардан ҳам, амалий нуқтаи назардан ҳам анча изчил ёритилган.

І БОБ

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ СОМАТИК ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ(СФБ) СТРУКТУР-СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ

1.1. Соматик фразеологизм тушунчасининг моҳияти, вужудга келиш манбалари

XXасрнинг охири, XXIасрнинг бошларига келиб соматик лексика унинг лексик-семантик хусусиятлари, унинг бошқа тилларга таржима қилиш муаммолари, соматик лексиканинг маданиятлараро мулоқотдаги ўрни каби масалалар тилшуносларнинг диққат-эътиборини тортган асосий муаммолардан бирига айланди. Бунга сабаб бутун жаҳонда авж олган глобализация жараёни, тил ва маданиятларнинг интеграциялашуви, маданиятлараро мулоқотни сифатини яхшилашга бўлган интилиш, коммуникатив тилшуносликнинг ривожланиши ва хорижий тилларни ўрганишнинг самарали усуллари яратишга интилиш каби омиллар сабаб бўлди.

«Соматик» атамаси илк бора тилшуносликка финн олими Ф. Вакк томонидан киритилган бўлиб, у эстон тилидаги инсон танаси номлари билан ясаладиган фразеологизмларни «соматик фразеологизмлар» деб атаган эди. [22, Б. 23].

Ҳозирги замон инглиз тилида соматик фразеологизмлар тил лексик таркибининг катта қисмини ташкил қилади. Шу нуқтаи назардан дастлаб соматик фразеологик бирлик тушунчасининг умум қабул қилинган моҳияти ҳақида тўхталсак. Соматик фразеологизмлар дейилганда компонентларидан бири инсон танаси аъзоларидан бирининг ном билан ясалган кўчма маънодаги фразеологик бирликлар тушунилади. Бинобарин "Сома" сўзи грек тилидан олинган бўлиб «тана» деган маънони англатади. Соматик фразеологик бирликларнинг лексик-семантик ва қиёсий аспектда ўрганилиши хорижий тилни ўрганаётган талабалар, таржимонлар учун инглиззабон халқлар тилида гапирувчилар билан мулоқотни самарали олиб

бориш, бошқа тилдаги бадий, илмий манбаларни аслиятда ифодаланган маънодагидек адекват тушунишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Соматик фразеологизмларни тадқиқ қилишга йўналтирилган илмий ишларнинг миқдори ўзининг қизиқарлилиги билан жуда кўплаб, турли аспектдаги тадқиқотларнинг яратилишига сабаб бўлди. Бундай фразеологик бирликларнинг вужудга келишида инсон омили энг катта роль ўйнайди, бинобарин ,фразеологизмларнинг жуда катта қисми инсон номи билан, унинг турли-туман фаолият турлари билан боғлиқ. Бундай фразеологизмларнинг мулоқот жараёнида, бадий матнда қўлланилишида муҳим факторлардан бири унинг ким томонидан қўлланилиши(субъект) ва кимга нисбатан қўлланилганлиги(объект) мулоқот ва бадий матннинг муҳим элементларидан ҳисобланади. Инсон ўз нутқий фаолияти жараёнида ташқи оламни, предмет ва ҳодисаларни ўз танаси аъзоларининг номлари билан ассоциация қилишга, фикрини таъсирлироқ, образлироқ ифодалашга уринади. Бир пайтлар буюк тилшунос олим Ш.Балли таъкидлаганидек «Инсон онгининг доимий такомиллашуви унинг ўз атрофидаги, борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг азалий жонлантиришга бўлган интилиши билан боғлиқ. У доимий равишда ташқи оламни ўз шахсиятига хос белгилар асосида идрок қилишга интилади» [18, Б. 262].

Фразеологизмлар таркибида соматизмларнинг кенг қўлланилиши улар турли тиллар лексик таркибининг энг қадимий қатламларини ташкил қилиши билан ва тил луғат таркибининг ядросинининг муҳим таркибий қисмини ташкил қилиши билан изоҳланади. Соматик фразеологизмларнинг муҳим хусусиятларидан бири образлилиги билан бир-бирларига яқин турадган уларнинг кўп сонли иборалар билан ифодаланувчи анологлари мавжудлигидир. Бу хусусият уларни фразеологик бирликларнинг бошқа тематик гуруҳларидан алоҳида ажратиб турувчи белгидир.

Турли тиллардаги соматик фразеологизмлар обзазлилиги нуктаи назардан ўзаро бир-бирларига мос келишлиги ҳодисаси махсус

тадқиқотлар олиб бориш заруратини туғдирадиган энг қизиқарли муаммолардан бири ҳисобланади. Бундай мос келишлик, ўхшашлик нафақат унинг бошқа тиллардан ўзлаштирилганлигига, балки уларни вужудга келишидаги умумий қонуниятлар, бу борадаги универсаллик, уларнинг ҳар бир тилдаги функционал- семантик хусусиятларига ҳам боғлиқ.

Турли тилларда соматик фразеологик birlikларнинг кўп миқдорда мавжуд бўлишлиги ва тилнинг лексик таркибида мустаҳкам ўрнашиб олишлиги соматик лексиканинг юқори даражада метафоралашув хусусиятига эгаллигига ҳам боғлиқ.

Инсон танаси аъзоларининг номи тил лексик қатламининг муҳим таркибий қисми сифатида инсоният турмуш тарзининг, индивид фаолиятининг функционал ҳиссий жиҳатлари билан боғлиқ бўлган маданий-антропологик хусусиятини акс эттириш воситасидир. Улар айна пайтда нафақат тил вакилларининг атроф-муҳит ҳақидаги билимларини, тасаввурларини, балки уларнинг ўз шахсияти, ўз танаси аъзолари ҳақидаги ассоциатив тасаввурларини ҳам акс эттиради.

Соматик фразеологизмлар тил лексик қатламининг энг турғунлашган элементлари сифатида тил тарихидаги энг муҳим муаммоларни тадқиқ қилиш, уларни бошқа тилларга таржима қилиш жараёнида руй берадиган лексик-семантик ўзига хосликларни, функционал-стилистик жиҳатларини қиёслаб ўрганишда, шунингдек тиллараро универсаллик ҳамда қардош ва қардош булмаган тилларни ўрганишда бой фактик материаллар ва кенг имкониятлар очиб беради.

Ҳар қандай тилдаги бундай лексик семантик гуруҳ инсон фаолиятининг нутқ жараёнида содир бўладиган иккиламчи номинация жараёнини тадқиқ қилишда ҳам бой фактик материаллар бера олади..

Тилда инсон омилининг акс эттирилиши мавзуси ҳозирги замон тилшунослигининг энг долзарб муаммоларидан бири сифатида илгари

сурилмоқда ва бу ҳозирги замон тилшунослигида муҳим методологик силжиш сифатида қайд қилинмоқда.

Тилдаги семантик ва тушунча категорияларини эгоцентрик таҳлил қилишга йўналтирилган антропоцентрик парадигма, шундай қилиб ҳозирги замон тилшунослиги тадқиқотларида устувор йўналиш сифатида тан олинмоқда.

«Инсон таънаси аъзолари» деб номланувчи лексико-семантик майдон эгоцентрик йўналтирилган категория сифатида ўз ичига тил вакиллари томонидан ментал-когнитив фаолият жараёнида қўлланиладиган кўплаб концептларни қамраб олади.

Мавзуга доир илмий манбалар таҳлилининг кўрсатишича «Соматизм» атамасининг моҳияти ҳам турли тадқиқотчилар томонидан турлича талқин қилинади. Соматизм атамасини илк бора тилшуносликка киритган Ф. Вакк уни уз таркибида инсон ва ҳайвон танаси аъзолари номи бўлган, шунингдек иш-ҳаракатнинг, муносабатларнинг рамзини ифодаловчи мимика ва жестларни ифодаловчм турғун сўз бирикмаларини киритади.[18, Б. 262].

Рус тилшунос олими О.Назаров эса соматик фразеологизмлар таркибига фақат инсон танаси аъзоларининг номи билан ясалган фразеологизмларни киритиб мимика ва жестларини улар таркибига кўшмайди. [39, Б, 29].

Одамлар ўз нутқий фаолиятлари жараёнида ўз тана аъзолари номидан қиёслаш, метафоралаш идеома ва мақоллар таркибида кўчма маънода фойдаланиш орқали ўз фикрларини ёрқинроқ, ифодалироқ, образлироқ ифодалашга ва бу орқали ўз суҳбатдошига кўпроқ прагматик таъсир қилишга уринадилар. Соматик фразеологизмларда кўпинча тиллараро универсаллик ҳодисаси ҳам кузатилади. Кўп ҳолларда инглиз тилидаги соматик фразеологизм ифодалайдиган лексик –семантик маъно бошқа тилларда ҳам айнан шундай манодаги эквивалентларига эга бўлиши мумкин. Масалан, «*to have something at ones fingertips*» - «ўзининг беш

қўлидек билмоқ», русча соматик фразеологизм «горячая голова» - инглизча. «hot head» - ўзбекча. «ўт-олов одам» сингари шаклларга эгаки, бу ҳолатни тиллараро, маданиятлараро универсаллик сифатида талқин қилиш мумкин. Кўпгина ҳолларда эса бир тилдаги соматик фразеологизм ифодаловчи лексик семантик маъно иккинчи тилда мавжуд бўлмаслиги мумкин. Масалан, ўзбекча «топталган қалб»- русча. «разбитое сердце» соматик фразеологизмининг инглиз тилида аналогичи мавжуд эмас. Бундай ҳолларда инглизлар бундай тушунчани фақат изоҳли таржима орқалигина тушунишлари мумкин.

Бундай соматик фразеологик бирликларни ҳосил қилувчи инсон танаси аъзоларини турлича тасниф қилиш мумкин. Уларни асосий белгиларига кўра алоҳида гуруҳларга ажратиш мумкин. Масалан, ахборотни ташқаридан қабул қилувчи таъна аъзолари: *кўз, қулоқ, бурун*. Бу жараёнда *қорин, елка, оёқ, қўл* сингари соматик фразеологик бирликлар ҳосил қилувчи тана аъзоларини алоҳида гуруҳ сифатида талқин қилиш мумкин. Инсон оғзидаги *тил* ахборот узатишда қўлланиладиган ва фразеологизмлар ҳосил қилишдаги муҳим тана аъзоси ҳисобланувчи алоҳида гуруҳни ташкил қилади. Бундан ташқари, мулоқот жараёнида фойдаланиладиган тана аъзоларининг ҳаракатини, жестини ифодалайдиган фразеологизмлар ҳосил қилувчи тана аъзолари гуруҳи ҳам мавжуд.

Бундай таснифдан кўриниб турибдики, инсоннинг нутқий фаолияти жараёнида унинг тана аъзоларининг қарийиб барчаси иштирок этади ва улар турлича соматик фразеологик бирликлар гуруҳларини ташкил қилади. Масалан, кўпинча "*where were your eyes?*"- "*Нима, ўзингнинг оёгинг йўқми?*" -деган жумлани эшитамиз. «Оёқ» лексемаси орқали ясалган бу соматик фразеологизм кесатиш маъносида қўлланилиб бирор илтимосни бажаришга эринган кишига нисбатан гапирувчи шахснинг салбий муносабатини ифодалашга хизмат қилади.

Масалага доир тадқиқотларда семантик ахборотни узатувчи сомотизмларнинг алоҳида гуруҳи жестлар ҳақида ҳам алоҳида фикрлар

билдирилган. Тадқиқотларда жестларнинг икки асосий (имо, ишора ва ҳаракат орқали ифодаланадиган маъно: коммуникатив ва симптоматик типлари ажратилади. Биринчи гуруҳга қўл, таъна, кўз боқиши ва ҳ. билан ифодаланувчи гапирувчининг тингловчига муайян ахборот узатувчи жестларлар орқали ифодаланадиган соматик фразеологизмлар киритилади. Улар ўз моҳиятларига кўра соф диалогик характердаги жестлар ҳисобланади.

Иккинчи гуруҳга кирувчи симптоматик жестлар орқали ясалувчи соматик фразеологик бирликлар асосан гапирувчи кишининг эмоционал ҳолатини кўрсатиш учун хизмат қилади.

Жестлар орқали ифодаланадиган соматизмлар кўпинча ёрқин миллий ўзига хос характерга эга бўлади ва улар интернационаллашуви, кўпинча турли тилларда турлича маъноларни ифодалаш мумкин. Масалан инглизча жест "О' кей" ёки ун қўлнинг бош ва кўрсати бармоғини юмолоқ қилиб кўрсатиш инглизча барча мамлакатларда «яхши, келишдик деган маънони аниқлатади, Японияда эса қўл бармоқлари орқали ифодаланган бундай жест «пул» деган маънони аниқлатади. Аксарият тилларда бу жест вербал ифодаланмаса, ҳеч қандай маъно аниқлатмайди.

Симптоматик жестлар физиологик ҳаракатлар ва коммуникатив жестлар билан оралиқ масофада туради, яъни бир хил жест ҳар икала гуруҳга ҳам мансуб бўлиши мумкин.

Юз ифодаси орқали ифодаланадиган жестлар ва юз ҳолатлари одамларнинг воқеа ҳодисаларга, хабарларга турли хил муносабатларини ифодалайди ва одатда соматик фразеологизм сифатда вербал ифодасини топади. Чунки реал борлиқда нима юз берса уларнинг вербал шакли ҳам албатта мавжуд бўлади.

Т.З. Черданцеванинг таъкидлашича, « тилга кўчган ҳар қандай вербаллашган лисоний белги шахснинг муайян эмоционал ҳолатини ёки ҳаракатининг рамзидир [50, Б. 88].

Турли тил ва маданиятларда бир хил бажариладиган жестлар турлича маъноларни ифодалашлари мумкин. Сохта муқобиллик ҳосил қилувчи бундай ҳолат маданиятлараро мулоқотда, таржимада кўплаб муаммолар туғдирилади. Юз, кўз, лаб, қош орқали ифодаланадиган ахборот узатиш усули мимика деб аталади ва улар ҳам кўплаб соматик фразеологик бирликлар гуруҳини ташкил қилади. Улар орқали универсал эмоционал ҳолатлар: қайғу, ҳасрат, бахт, жирканиш, нафрат, хайрат, кўркунни ифодаловчи соматик фразеологизмлар ясалади [38, Б. 39-69].

Соматик фразеологизмларнинг ҳосил бўлишида асосан тил омили бош ролни ўйнайди. Бунда биринчи навбатда тайёр сўз бирикмаларининг семантик янгиланиши, яъни иккиламчи номинацияда қўлланилиши бош омил ҳисобланади. Айрим соматик фразеологизмлар эса эркин сўз бирикмаси даражасини чеклаб ўтиб, бирданига фразеологизмга айланиш ҳолатлари ҳам кузатилади.

Соматик фразеологизмларни вужудга келишида бошқа тиллардан ўзлаштирилган соматизмлар ҳам муҳим рол ўйнайди. Фразеологик ўзлаштирама сўзлар турли халқларнинг бевосита ўзаро муносабатлари жараёнида, маданиятлараро муносабатлар, сиёсий, иқтисодий алоқалар жараёнида оғзаки ёки ёзма усулларда ўзлаштирилиши мумкин. Соматик фразеологизмларнинг вужудга келишининг асосий манбалари сифатида куйидагиларни белгилаш мумкин:

1. шахснинг у ёки бу воқеа ҳодисаларга, суҳбатдошнинг гапига реакциясини ифодаловчи жестлар ва афт-башаранинг ҳолатини ифодалашда: «*to show one's teeth*» - «*скалить зубы*» - «*тишини гижирлатмоқ*» (дўқ-пўписа маъносида);

2. Шахснинг психик ҳолатини ифодалашда, масалан: «*to feel one's heart sink*» - «*юраги орқасига тортиб кетмоқ*»;

3. Ҳайвонларнинг хулқ-атворида тақлид қилиш натижасида вужудга келадиган соматик фразеологизмлар: «*to keep one's ear to the ground*» - «*қўлогини динг қилмоқ*»;

4. Урф-одатлар, маросимлар, анъаналар, диний эътикод ёки хурофатлар асосида вужудга келадиган соматик фразеологизмлар «*to be tearing one's hair out*» - «*сочини юлмоқ*»;

Энг қизиғи шундаги, инсон таънасининг барча аъзоларининг номи соматик фразеологизмлар ҳозил қилишда муайян даражада бир хил иштирок этадилар. Фин олими Ф.Ваккнинг ёзишича «Соматик фразеологизмларнинг вужудга келишида функциялари ва маънолари аниқ бўлган *бош, кўз, оғиз, тиш, қўл, оёқ* сингари инсон танаси аъзоларининг номлари кўпроқ иштирок этади. Таъна аъзоларининг муҳимлиги ва бажарадиган функцияларининг аниқлиги уларнинг миқдорига, тематик хилма-хиллигига боғлиқ бўлади» [18, Б. 262].

Маълумки турли халқларда воқеа, ҳодисаларга муносабатни, ўз эмоционал ҳолатини ифодалашдаги реакциялар турлича кечади ва бу уларнинг вербаллашувида, лексик-семантик маъноларида турлича лисоний бирликлар қўлланилишига сабаб бўлади. Шу нуқтаи назардан инглиз ва ўзбек тилларидаги соматик фразеологизмларнинг компонентларида куйидаги муносабатлар ўз аксини топади:

- инглиз тилидаги соматик лексикага ўзбек тилидаги шундай маъно ифодаловчи соматик лексика мос келади. Масалан инглиз тилидаги «юррак» компонентли соматизмларга ўзбек тилида «*қалб*», «*дил, жон*» компонентлари мос келади: «*one's heart sank into one's boots*» – «*дилим ўртаниб кетди; жоним чиқиб кетдандек бўлди*», «*to bare one's heart*» – «*дилини очмоқ, қалбидагини тўкиб солмоқ*».

Кўпгина инглизча соматик лексемаларнинг фразеологик фаоллиги ўзбек тилидаги фразеологизмлар семантикасига мос келади. Масалан, ҳар икала тилда ҳам *forehead* - '*нешона*', *liver* - '*жигар*', *intestine* - '*ичак*', *lung* - '*ўпка*', *waist* - '*бел*» лексемалари билан ўхшаш маъноли соматик фразеологизмлар вужудга келади.

Ҳар қандай тилда соматик фразеологизмларнинг вужудга келиши инсоният онгини шаклланишининг дастлабки босқичларидан бошлаб

бугунги кунгача муайян халқнинг тарихини, маданиятини урф одат ва анъаналарини, маданиятини акс эттириб янгидан-янги образли соматик фразеологизмларни вужудга келтириб тилнинг луғат бойлигини ифода воситаларини янада бойитмоқда. Бунинг бош сабаби тил коллективининг фикрни образли, эмоционал таъсирчан ифодалашга бўлган эҳтиёжини кондиришга интилишдир.

Шундай қилиб соматик фразеологик birlikлар ҳар қандай тилда бир-бирларига боғланмаган ҳолда тил тараққиётининг турли даврларида пайдо бўлиб, уларнинг асосини инсоннинг ўз ўзини, ўз таъна аъзоларининг харакатини кузатиши, ўзининг ва бошқаларнинг рухий ҳолатларини кузатиши, инсон фаолиятининг турли жихатларини ва эмоцияларини ўрганиш жараёнида вужудга келади. Натижадаа, жамиятда турғунлашган бундай соматик фразеологизмларда шу халқнинг турмуш тарзи, маланияти, анъаналари ўз аксини топади.

1.2. Инглиз ва ўзбек тилларидаги СФБлар таснифи ва лексик-семантик хусусиятлари

Тадқиқотчиларнинг фикрича [38, Б. 337] тилдаги барча соматик лексик birlikлар соматик фразеологизмларнинг асосий компоненти сифатида номинацияланувчи объектнинг характерига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлиб тасниф қилинади::

1. Инсон танасининг турли қисмларини ифодаловчи соматик лексика (грекча: soma - тана + onim - ном ;)

2. Инсон танасидаги суяклар ва улар бирлашган жойларни номини ифодаловчи остеонимик лексика (греч. osteon - суяк)

3. Инсон танасининг ички аъзоларини ифодаловчи спланхнонимик лексика, (грекча: splanchna – ички);

4. Инсон танасининг қон-томир тизимини номинацияловчи ангионимик лексика, (грекча: angeion - идиш);

5. Инсон организмидаги ҳиссий сезги органларни ифодаловчи сенсонимик лексика, (лотинча: sensus - хиссиёт, сезги)

6. Инсон организмида рўй берадиган касаллик, ноҳўш ҳолатлари ифодалдовчи лексика.

Айрим тадқиқотларда фразеологизмларнинг бош компонентларининг муайян сўз туркумларига мансублигига кўра тасниф қилиш фикри илгари сурилади [10, Б. 304. 36, Б. 339]. Бунда улар қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганилади:

- феълли турғун сўз бирикмалари:

to have a finger in every pie- ҳар ишга бурнини тикавермоқ;

to set one's heart on something- бирор нарсага аҳд қилмоқ;

to give a helping hand—ёрдам қўлини чўзмоқ;

If everything else fails - ҳамма нарсани ҳам чек-чегараси бор;

I think I'll go into the green line-мен тўғри йўлдан бораяпман деб ўйлайман;

You couldn't give me a helping hand, could you, Mr. Snape? (A. Trollope, 'The Three Clerks', ch. XVIII) – ***Агар ишимиз юришимаса, менимча сабзавот савдоси билан шуғулланганлигимиз маъқул. Шунда мени қўллаб-қувватлайсизми, мистер Снейп?***

Bite one's lip (She walked up and down, biting her lip and thinking desperately hard. (J. Galsworthy, 'To Let', part II, ch. IV) – *Аёл лабларини қимтиганича хонанинг у бурчидан бу бурчига юрабошлади ва зўр бериб ўйлай бошлади.*

- сифатларли турғун сўз бирикмалари:

a cool head-совуққон одам

a green eye- ғаразли кўзлар

a good heart-яхши юрак

a free hand-бўш қўл

I can guarantee you ?300 a year. As for your work: you can have a completely free hand. (C. P. Snow, 'The Search', part I, ch. VI) – ***Пул***

масаласига келсак, мен сизга бир йилда 300 фунт тўлашга тайёрман, иш масаласига келсак, сизга тўлиқ эркинлик таъминланади.

- субстантив турғун сўз бирикмалари:

: *at the heart of something*- нозик нуқтаси

And yet these questions... are at the heart of all the domestic problems of Britain... with which both conferences sought in vain to grapple. (*Labour Monthly*) – Нима бўлса-да бу масалалар.... Англиянинг барча ички муаммоларининг асосини ташкил қилади. Уларни ҳар икки конференция ҳам муаффақиятли ҳал қила олмади.

Neck of the woods (Say, it certainly is a mighty great pleasure to see you, my boy! What you doing in this neck of the woods?) (*S. Lewis, 'Elmer Gantry', ch. XXX*) – Биласанми қария, сени кўрганимдан ўлгудек хурсандман! Биз томонларда нима қилиб юрибсан?

- предлогларли турғун сўз бирикмалари:

to be sick at heart, at first hand-уддабурон

It must be a great comfort to you to have all the news at first hand. (*J. Galsworthy, 'Swan Song', part I, ch. II*) – Билишимча сенга жуда қўлай, сен барча янгиликларни биринчи бўлиб билиб оласан.

Бу таснифнинг камчиликларидан бири асос сўзнинг муайян критерияга мансублиги аниқ бўлмай қолган.

Кунин А.В. ўз тадқиқотида кейинчалик фразеологик бирликларни келиб чиқиши нуқтаи назардан классификация қилди. У бундай фразеологизмларнинг қуйидаги критерияларини таклиф қилди [36, Б. 87-95]:

- Соф инглиз тилига мансуб фразеологизмлар. Улар вужудга келиш пайтига кўра қадимий инглиз тилига, ўрта инглиз тили ва янги инглиз тили даврларига мансуб фразеологизмларга бўлинади;

- Бошқа тиллардан ўзлаштирилган фразеологизмлар:

Achilles' heel, one's own flesh and blood- Ахиллеснинг товони-Зоти-зурриёди. Смирницкий А.И.эса ўз тадқиқотида инглиз тили

фразеологизмларини а) ёрқин экспрессив ва эиоционаллик белгиларига кўра тасниф қилади [42, Б.106-114.]:

a long head – зийраклик, фаросатлилик;

soft in the head – ақли калталики;

б) экспрессивлик ва эиоционаллик белгиларига эга бўлмаган, стилистик нейтраль фразеологизмлар:

the apple of one's eye - кўз қорачиғи;

on the other hand -бошқа томондан;

give a free hand - - имон-ихтиёрини тўлиқўзига бериб қуймоқ.

А.В.Кунинг фразеологизмларнинг структур семантик ва грамматик характеристикаларига кўра қуйидаги синфларга бўлиб ўрганишни таклиф қилади:

- номинатив фразеологизмлар (субстантив фразеологизмлар, адъектив фразеологизмлар, адвербиаль и предлогили фразеологизмлар);

Масалан, *one's head off* – кўз илғаганича.

· номинатив ва и номинатив-коммуникатив фразеологизмлар (феъли фразеологизмлар);

Масалан, *to have a head for something* – ниманидир яхши билмоқ, қобилиятли бўлмоқ.

- ундовли ва ундовли бўлмаган модаль фразеологизмлар;

Масалан, *Heads up!* (нимадир тушиб келаётганлигидан, хавфдан огоҳлантирувчи хитоб).

- коммуникатив фразеологизмлар (мақоллар ва маталлар).

Масалан, *two heads are better than one*- бир калладан, икки кала яхши; *the eyes are the mirror of the soul*- кўз кўнгил ойнаси.

Соматик фразеологизмларнинг семантик маркази сифатида бош компонент вазифасидаги соматик бирлик келади. Соматик фразеологик бирликларнинг кўпчилигининг семантикаси соматик компонентнинг лексик-семантик потенциали билан боғлиқ..

Соматик фразеологизмлар даврлар жараёнида тўхтовсиз ўзгаради ва янгилари вужудга келади.. Ф.Вакк соматик фразеологизмларнинг ўзгариб боришини уч турини кўрсатади:

1. Эскириб кетган архаик фразеологизмлар, улар кўпинча лугатлар таркибидан тушириб қолдирилади;;

2. Янги соматик фразеологизмлар ёки эскиларининг янги вариантлари вужудга келади.;

3. Мавжуд соматик фразеологизмларда семантик силжишлар рўй беради.;Бунда соматик фразеологизмнинг шакли ҳам мазмуни ҳам ўзгариши кузатилади.

Соматик компонентли фразеологизмларнинг фразеологизмлар таркибидаги солиштирма миқдори инсон танаси аъзолари номиларни билдирувчи сўзлар тил лексикасининг қадимий қатламларига мансублиги билан изоҳланади. Улар тилда мустаҳкам турғунлашганлиги, қўлланиш частотасининг кенглиги ва семантик структурасининг кўптармоқчилиги билан характерланади. Бинобарин сўз қанчалик қадимий бўлса, унинг семантик структураси шунчалик кенг ва фразеологик бирликлар яшаш имконияти кўпроқ бўлади.

Кўпчилик соматик фразеологик бирликларнинг семантикаси инсоннинг эмоционал-психологик ҳаётини тасвирлаш, баҳолаш билан боғлиқ. В.П.Шубинанинг фикрича «Инсоннинг эмоционал-психологик ҳолати кўпгина ҳолларда айнан соматик фразеологизмлар билан ифодаланади ва бу борада уларнинг имкониятлари дарҳақиқат жуда катта» [49, Б. 31-32] .

Мимика ва жестлар орқали ифодаланувчи соматик фразеологизмларда муайян ҳаракатни ифодаловчи жестлар эмотивликнинг экспрессив эканлигини кўрсатади ва улар қандайдир ҳаракатга, муносабатга сигнал вазифасини бажаради. Масалан, ўзбек тилида «бор-барака қилмоқ» фразеологик ибораси мавжуд. Унинг семантикасида «қўл ташлашиб, нимагадир келишмоқ» деган мазмун мавжудки, уни шу семантикасига

асосланиб соматик фразеологизм дейиш мумкин. Инглиз тилида аналоги бўлмаган бу фразеологизмнинг рус тилида аниқ аналоги мавжуд: «ударить по рукам».

Тадқиқотларда урф-одатларга, расм-русумларга, маросимларга, хурофий тасаввурларга асосланган соматик фразеологизмлар гуруҳи мавжудлиги таъкидланади. Одатда улар кўпинча архаик характерда бўлиб, коммуникатив вазиятга, реал фактларга асосланмаганлиги билан қўлланиш частотаси жуда кам ва миқдори ҳам камчиликни ташкил қилади.

Соматик фразеологизмларнинг муҳим семантик хусусиятларидан бири уларнинг осонлик билан метафоризациялаш ва метонимик кўчма маънода қўлланилишидир [6, Б. 132-140].

I боб бўйича хулосалар

Инсон ўз нутқий фаолияти жараёнида ташқи оламни, предмет ва ходисаларни ўз танаси аъзоларининг номлари билан ассоциация қилишга, фикрини таъсирлироқ, образлироқ ифодалашга уринади. У доимий равишда ташқи оламни ўз шахсиятига хос белгилар асосида идрок қилишга интилади.

Соматик фразеологизмлар дейилганда компонентларидан бири инсон танаси аъзоларининг номи билан ясалган кўчма маънодаги фразеологик бирликлар тушунилади. "Сома" сўзи грек тилидан олинган бўлиб, «тана» деган маънони англатади.

«Инсон таънаси аъзолари» деб номланувчи лексико-семантик майдон эгоцентрик йўналтирилган категория сифатида ўз ичига тил вакиллари томонидан ментал-когнитив фаолият жараёнида қўлланиладиган кўплаб концептларни қамраб олади.

«Соматизм» атамасининг моҳияти ҳам турли тадқиқотчилар томонидан турлича талқин қилинади. Соматизм атамсини илк бора тилшуносликка киритган Ф. Вакк уни ўз таркибида инсон ва ҳайвон танаси аъзолари номи бўлган, шунингдек иш-ҳаракатнинг, муносабатларнинг

рамзини ифодаловчи мимика ва жестларни ифодаловчи турғун сўз бирикмаларини киритади. Юз, кўз, лаб, қош орқали ифодаланадиган ахборот узатиш усули мимика деб аталади ва улар ҳам кўплаб соматик фразеологик бирликлар гуруҳини ташкил қилади. Улар орқали универсал эмоционал ҳолатлар: қайғу, ҳасрат, бахт, жирканиш, нафрат, хайрат, кўрқувни ифодаловчи соматик фразеологизмлар ясалади:

Соматик фразеологизмларнинг вужудга келишининг асосий манбалари сифатида қуйидагиларни белгилаш мумкин:

1. бевосита таъна аъзолари номини метафоралаш (кўчма маънода кўллаш) орқали вужудга келган соматик фразеологизмлар;

2. шахснинг у ёки бу воқеа ходисаларга, суҳбатдошнинг гапига реакциясини ифодаловчи жестлар ва афт-башаранинг ҳолатини ифодалаш орқали ясалган соматик фразеологизмлар;

3. шахснинг психик ҳолатини ифодалаш воситасида ясалган соматик фразеологизмлар

4. ҳайвонларнинг хулқ-атвориға тақлид қилиш натижасида вужудга келадиган соматик фразеологизмлар: «to keep one's ear to the ground» - «қўлоғини динг қилмоқ»;

5. урф-одатлар, маросимлар, анъаналар, диний эътиқод ёки хурофатлар асосида вужудга келадиган соматик фразеологизмлар;

Мавзуга оид адабиётларда соматик фразеологизмларнинг структурасига кўра, яъни бош компонентнинг муайян сўз туркумларига мансублигига кўра тасниф қилиш фикри илгари сурилади

Кунин А.В. ўз тадқиқотида соматик фразеологизмларнинг вужудга келишига кўра:

- Соф инглиз тилига мансуб фразеологизмлар вужудга келиш пайтига кўра қадимий инглиз тилига, ўрта инглиз тили ва янги инглиз тили даврларига мансуб фразеологизмларга ва бошқа тиллардан ўзлаштирилган фразеологизмлар бўлиб ўрганишни таклиф қилади [36, Б. 87-95]:

Смирницкий А.И.эса ўз тадқиқотида инглиз тили фразеологизмларини а) ёрқин экспрессив ва эмоционаллик белгиларига кўра ва экспрессивлик ва эмоционаллик белгиларига эга бўлмаган, стилистик нейтраль фразеологизмларга бўлиб ўрганишни таклиф қилади [42, Б. 106-114.]:

Шунингдек соматик фразеологизмлар структур- семантик ва грамматик характеристикаларига кўра:

- номинатив фразеологизмлар (субстантив фразеологизмлар, адъектив фразеологизмлар, адвербиаль и предлоги фразеологизмлар);

· номинатив ва и номинатив-коммуникатив фразеологизмлар (феълли фразеологизмлар);

- коммуникатив фразеологизмлар (мақоллар ва маталлар) каби турларга бўлиниб тасниф қилинади (Кунин).

Соматик фразеологизмлар даврлар жараёнида тўхтовсиз ўзгаради ва янгилари вужудга келади. Ф.Вакк соматик фразеологизмларнинг ўзгариб боришини уч турини кўрсатади:

1. Эскириб кетган архаик фразеологизмлар, улар кўпинча лугатлар таркибидан тушириб қолдирилади;

2. Янги соматик фразеологизмлар ёки эскиларининг янги вариантлари вужудга келади;

3. Мавжуд соматик фразеологизмларда семантик силжишлар рўй беради;

Бунда соматик фразеологизмнинг шакли ҳам мазмуни ҳам ўзгариши кузатилади.

Соматик компонентли фразеологизмларнинг фразеологизмлар таркибидаги солиштирма миқдори инсон танаси аъзолари номиларни билдирувчи сўзлар тил лексикасининг қадимий қатламларига мансублиги билан изоҳланади. Улар тилда мустаҳкам турғунлашганлиги, қўлланиш частотасининг кенглиги ва семантик структурасининг кўптармоқчилиги билан характерланади. Бинобарин сўз қанчалик қадимий бўлса, унинг

семантик структураси шунчалик кенг ва фразеологик бирликлар яшаш имконияти кўпроқ бўлади.

Тадқиқотларда урф-одатларга, расм-русумларга, маросимларга, хурофий тасаввурларга асосланган соматик фразеологизмлар гуруҳи мавжудлиги ҳам таъкидланади.

Соматик фразеологизмларнинг муҳим семантик хусусиятларидан бири уларнинг осонлик билан метафоризациялаш ва метонимик кўчма маънода қўлланилишидир [6, Б. 132-140].

Соматик фразеологик бирликларнинг лексик-семантик ва қиёсий аспектда ўрганилиши хорижий тилни ўрганаётган талабалар, таржимонлар учун инглиззабон халқлар тилида гапирувчилар билан мулоқотни самарали олиб бориш, бошқа тилдаги бадий, илмий манбаларни аслиятда ифодаланган маънодагидек адекват тушунишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Соматик фразеологизмлар тил лексик қатламининг энг турғунлашган элементлари сифатида тил тарихидаги энг муҳим муаммоларни тадқиқ қилиш, уларни бошқа тилларга таржима қилиш жараёнида руй берадиган лексик-семантик ўзига хосликларни, функционал-стилистик жиҳатларини қиёслаб ўрганишда, шунингдек тиллараро универсаллик ҳамда қардош ва қардош булмаган тилларни ўрганишда бой фактик материаллар ва кенг имкониятлар очиб беради.

И БОБ

СОМАТИК ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР (СФБ) ИНСОННИНГ ШАХСИЙ СИФАТЛАРИНИ ИФОДАЛАШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

2.1. Инглиз ва ўзбек тилларидаги СФБларнинг лингво-семантик ва прагма-когнитив таҳлили

XX асрнинг охири ва XXI аср бошларида шакллана бошлаган лисоний материал таҳлилига антропоцентрик ёндашув замонавий тилшунос олимларни тилга асосан бевосита инсонга боғлиқ феномен сифатида қараб диққат-эътибор беришларига олиб келди. [40, Б. 69].

Охирги ўн йилликда илмий тадқиқотларнинг катта қисми айнан соматик лексика ва соматик фразеологизмларни тадқиқ қилишга йўналтирилганлиги бежиз эмас. Масалан, интернет материаллари орқали олиб борилган изланишларда «сомат» ва «инсон танаси аъзолари» мавзуси бўйича кейинги ўн йилликда ҳимоя қилинган 70 га яқин диссертацияларни аниқлашга мувофиқ бўлдиқ. (Петрова 2012, Сайфи 2011, Щирова 2011, Чумичёва 2010, Скнарёв 2006, Таурменская 2006, Белогрудова 2005, Хамизова 2007, Кравченко 2009, Подсевалова 2010, Вахрушева 2009, Архипкина 2007 ва б.) Улардан жуда кўпчилиги айнан соматизмларни тадқиқ қилинишига йўналтирилганлиги эътиборни тортади.

Масалан А.Блюм ўз тадқиқотида инсон танаси аъзоларидан қайси бирлари фразеологик бирликлар ҳосил қилишда энг кўп иштирок этишлиги масаласини ўрганишни мақсад қилиб, уларнинг структур ва семантик ўзига хосликларини аниқлашга диққат-эътиборини қаратади. Олимнинг лексикографик манбаларни (А.В. Куниннинг Англо-русский фразеологический словарь, шунингдек Cambridge International Dictionary of Idioms (Кеймбриджский международный словарь идиом) таҳлил қилиб аниқланган хулосаларига кўра жами 529 та соматик фразеологик бирликлардан энг кўп кўлланиладиганлари «hand» компонентли соматик фразеологизмлар бўлиб, улар 71 бирликдан иборат ва улар умумий

миқдорнинг 13,42% ташкил қилади. Бундай миқдор «head»компонентли соматик фразеологизмларда жами 49та, умимий миқдорнинг 9,26%, «eye» компонентли соматик фразеологизмлар 49 бирликни ва умимий миқдорнинг 9,26%, «face» компонентли соматик фразеологизмлар 34 бирликни, умимий миқдорнинг 6,43%, «arse (ass, butt)» компонентли соматик фразеологизмлар 35та бирликни, умимий миқдорнинг 6,62%, «foot» компонентли соматик фразеологизмлар 28 та бирликни, умимий миқдорнинг 5,29%, «nose» компонентли соматик фразеологизмлар: 24 та бирликни, умимий миқдорнинг 4,54%, «finger» компонентли соматик фразеологизмлар 21 та бирликни, умимий миқдорнинг 3,97%ни ташкил қилади.. Бошқа фразеологизмлар жуда кам қўлланиланилиши, уларнинг умимий миқдори 3% дан ошмаслиги қайд қилинади. [36, Б. 187].

«Тана аъзолари» лексик-семантик майдони шундай қилиб муайян бир тил вакилларининг ментал-когнитив фаолиятлари жараёнида синтез қилинган кўплаб концептлардан ташкил топади ва соматик фразеологизмлар номинация қилинаётган объектнинг характеридан келиб чиққан ҳолда кўплаб гуруҳларга бўлиниши тадқиқ қилинади.

Одамлар тана аъзолари номларини кўчма маъноларда қиёслаш, метафора, метонимия сифатида идеомалар, мақоллар таркибида қўллаб, ўз фикрларини ёрқинроқ, ифодалироқ, образлироқ, таъсирчанроқ ифодалашга уринадилар.

Маълумки, инсон омили тил лексик қатламининг барча қатламларида сўз яшашда жумладан соматик фразеологизмлар ҳосил қилинишида беқиёс ката роль ўйнайди. Инсон ўз тана аъзолари фаолиятини кузатар экан улардан ўзи ва бошқалар, олам ҳақида янги информацияларни ташувчи лексик бирликлар, фразеологизмлар ясайди. «Бу жараёнда асосий диққат-эътибор марказида одамнинг ўзи турганлиги учун у оламни ўз тасаввуридаги, когнитив онгидаги намунага қараб тасвирлашга уринади. Бу жараёнда содир бўладиган лисоний антропоморфизм ибтидоий онг, тафаккур натижаси эмас, балки тилдаги номинация воситаларининг

умумий ривожланиш қонунияти сифатида талқин қилинишини таъкидлаш лозим» [27, Б. 311.]

Инсонни «ўз тилининг ижодкори» сифатида талқин қилиниши масалсини инсон онгида, тафаккурида мавжуд бўлган ўз танаси аъзолари номини, функцияларини ифодаловчи лексик бирликларни таҳлил қилмасдан ўрганиш яхши натижаларга олиб келмаслиги аниқ. Шу нуқтаи назардан соматик фразеологизмлар тил лексик қатламидаги фразеологик бирликларнинг динамик ривожланувчи қисмидир. Соматик фразеологик бирликлар (СФБ) биринчи навбатда атроф муҳитни, объектив борлиқни инсон онгида ўзига, ўз тана азоларига қиёслаб номинация қилиниши натижасидир. Бу жараёнда тадқиқот объекти сифатида тил ва тафаккур муаммоси биринчи планга чиқади.

Ташқи оламдаги воқеа ва ҳодисалар, предметлар бизнинг онгимизда концепт деб аталувчи ментал тизимлар, когнитив структуралар сифатида идрок қилинади. Тилшуносликдаги когнитив ёндашув асосчиларидан бири Е.С.Кубрякова концепт тушунчасини қуйидагича талқин қилади: «*Концепт* – ментал лексиканинг хотирадаги, онгдаги олам ҳақидаги концептуал системаларга солинган билимларнинг оператив бирлигидир. Энг муҳим ва асосий концептлар айнан тил орқали ифодаланади» [36, Б. 245].

Антропологик парадигмаларда тил ва маданият «тил-инсон» моделига хос, интегратив алоқада бўлган муносабат- «концепт» ва «дунёнинг лисоний манзараси» атамаларининг ўзаро бир-бирига боғлиқлиги ўрганилади. Концепт асосида «хотиранинг оператив сақланиш бирлиги, ментал лексикон, концептуал система ва онг тили, инсон руҳиятида ифодаланган бутун дунё қиёфаси тушунилади». Когнитологиянинг хулосасига кўра, моҳият онгда чекланган бўлади, яъни моҳиятлар онгнинг қўшма яширин бирлиги, инсон тафаккурининг англаш жараёни ёрдамида ўзлаштирилади. Моҳиятлар инсон онгида унинг билимлари учун сақланиш бирлиги сифатида намоён бўлади. Моҳият- тилни ифодаловчи муносабатда

концептосфера сифатида намоён бўлиб, унда дунёнинг концептуал ахборот қисми тил боғлами» сифатида хизмат қилади. Яъни асосий тил бошқа типга образда, суръатда, схема ва бошқаларда ўз ифодасини топади «Тил-инсон» диадаси (иккилиги когнитологияда тириада (учлик): «тил-инсон-онг» моделини ҳосил қилади. Лингвомаданиятда моҳият худи «маданий менталитет –тил» модели сифатида талқин қилинади, яъни «инсон маданият пайдо бўлиш йиғиндиси; инсон ментал олам маданиятидан келиб чиққан ягона мавжудот, инсон ягона тасаввур, тушунча, билим, асослаш, сўзнинг ижодкори сифатида таърифланади. Бунда образлар, миллий олам қиёфасини ифодаловчи фрагментлар сўзда умумлаштирилади; ҳар қандай яширин қўшма онг бирлиги, яъни реал ва идеал дунё предметни ифодаловчи номлар миллий тил хотирасида оғзаки кўринишда реаллашади ват ил лексик системасига кириб турғунлашади. Концепт инсон огида ақлий фаолият бирлиги вазифасини бажариб, муайян тартибга келтирилган концептлар мажмуи тизими концептосферани ташкил қилади. Халқ онгидагисўз маънолари орқали ҳосил бўлган концептосфера семантик шферадан кенгроқ. Шу сабабли миллат маданияти, фольклори, адабиёти, фани, тасвирий санъати, тарихий тажрибалари, дини, қанчалик бой бўлса, миллий концептосфера шунчалик бой ва рангбаранг бўлади. [36, Б. 87].

Шундай қилиб тил белгилари воситасида биз концептни ўз тафаккуримизнинг бирликлари сифатида вербаллаштирамиз ва изоҳлаймиз. Бунда биз нарса ва предметларнинг, воқеа ва ҳодисаларнинг, одам ва жой номларини ифодаловчи сўзлар, эркин ва турғун сўз бирикмаларидан ва фразеологик бирликлардан фойдаланамиз. Бинобарин лисоний онг бу - онгимиздаги сўзлар воситасида ҳосил бўлган образлардир. Лисоний онг ўз навбатида субъект томонидан нутқий мулоқот жараёнида шаклланганва қайта ишланган перцептив билимлар билан интеграциялашади. [41, Б.69].

Индивиднинг лисоний фаолияти индивидуал онгда шаклланади. Одам томонидан ўз тана аъзолари номларини, функцияларини тўлиқ идрок

қилиниши, ўзлаштирилиши ҳам индивиднинг ўз-ўзини билиш жараёнини рағбатлантиради. Соматик лексика, яъни инсон танаси аъзоларини номини ифодаловчи сўзлар дунёдаги ҳар қандай тилда кенг қўлланилиши билан характерланади. Бу индивид онгида, халқ онгида оламнинг лисоний манзарасини ўрганишда тил тизимининг бу муҳим қатламини ўрганиш қанчалик муҳим эканлигини кўрсатади. «Тил воситаларида ўз аксини топган оламнинг лисоний манзарасини идрок қилиниши антропоцентрик ҳодисадир. Чунки олам марказида инсон туради. Айнан инсон танаси аъзолари номлари воситасида «яқин-узок», «ўзим-бегона» оппозицияларида вужудга келган оламнинг дастлабки қиёсловчи тасаввурлари ҳосил қилинган. Шу сабабли инсон танаси ва унинг алоҳида қисмлари номи олам лисоний манзарасининг концептлаштиришнинг илк асослари вазифасини бажарган. Инсоннинг ўз тана аъзоларининг тузилишини, функционал хусусиятларини англаши тилда *қулоч, қарич, қадам, foot* ва б. сингари илк ўлчов бирликларини вужудга келишлигига ва кейинчалик уларни метафоралашувиға сабаб бўлган.» [36, Б. 97].

Соматик лексикани когнитив ёндашув асосида ўрганилиши шундай қилиб когниция механизмини атрофлича ўрганишга кенг имкониятлар очиб берали. Тайёр лисоний блоклар сифатида вужудга келган ва тилда образли восита бўлиб турғунлашган СФБлар одамга оламини идрок қилиш кодлари вазифасини бажариш билан бир қаторда лисоний коллектив онгидаги муҳим маданий ахборотни ҳам ифодалайди. Инсон бундай соматик номинацияларни олам ҳақидаги билимларни моделлаштиради. Фразеологик бирликларнинг сўз билан ифодаланган антропоцентрик таркиби инсон сифатларини тарифлайдиган, унинг физиологик, ментал ва эмоционал-ҳиссий аспектда характерлайдиган лисоний бирликлардан таркиб топади.

СФБларнинг концептуал асослари дискурсив контекстда ойдинлашади. Соматик фразеологизмларнинг мазмуний моҳияти инсон онгида референт зоналар ёки сфераларни ҳосил қилиб улар лисоний шахс

томонидан инсон танаси аъзоларининг номи билан нисбат қилиниб интерпретация қилинади. Муайян бир вазият ҳақидаги образли идиомаларни вужудга келтириш ана шу жараёнда рўй беради. Бељавскаянинг тарифи бўйича «Фразеологизмларнинг асоси сўз бирикмаси ҳисобланиб, улар образни вужудга келтиришда иштирок этишади, бу асосда гештальт (схемалашган образли тасаввур) ташкил топади. Гештальтлар структурлашиб, идеоматик семантиканинг предметли-мантикий маъносини ва коннотациясининг концептуал асосини ҳосил қилади [21, Б. 23].

Соматк фразеологик бирликларнинг лексик-семантик ва когнитив прагматик асосларини ўрганишда *Cambridge International Dictionary of Idioms (2002)*, фразеологик луғатидан шунингдек *Macmillan English Dictionary (2002)*, *Marriam Webster Dictionary Online* луғатларидан фойдаландик *Cambridge International Dictionary of Idioms (2002)* луғатида 7000 га яқин фразеологик бирликлар изоҳланган, улардан биз ёппасига танлаш асосида 900 га яқин СФБларни танлаб олдик ва улардан инсонни шахсий сифатларини характерловчи фразеологизмларни алоҳида таҳлил қилдик. Бундай соматик фразеологизмларни умумий икки категорияга бўлиб ўрганиш мумкин ва уларнинг ҳар бири яна кичик категорияларга бўлинади:

1) Инсоннинг шахсий сифатларини характерловчи категорияга кирувчи СФБлар: а) инсоннинг жисмоний параметрларни характерловчи ва б) инсоннинг ташқи кўринишига кўра характерловчи субкатегорияларга бўлинади.

2) Инсонни турли хил хулқ-атворини, қилиқларини, нутқий, иродавий, интеллектуал ҳарактларини ифодаловчи категория.

Қуйида ҳар бир категориянинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида алоҳида тўхталамиз.

1. Инсоннинг соғлиги, жисмоний ҳолатикуч-қуввати ва бардамлигини характерловчи СФБлар:

to be hale and hearty (especially of old people) healthy and strong]:*Her grandfather was hale and hearty, walking five miles each day before breakfast-* кучли ва навкирон булмок (айниқса қарияларга нисбатан) зсоглом ва кучли : Унинг бобоси нонуштадан олдин беш чакиримча юрарди, шунинг кучли ва навкирон эди.

Бу СФБнинг компонентлари қуйидагича изоҳланган:

1) *hale* – partly from Middle English (northern) *hale*, from Old English *hāl*; partly from Middle English *hail*, from Old Norse *heill* — whole; free from defect, disease, or infirmity; retaining exceptional health and vigor;

2) *Hearty* – exhibiting vigorous good health.

2. *Инсоннинг ташқи кўринишини характерловчи СФБлар қуйидаги субкатегорияларга бўлинади:*

а) инсоннинг қад қоматини ифодаловчи СФБлар;

б) инсоннинг ташқи кўринишининг ёқимлилигини, гўзаллиғни характерловчи СФБлар.

Бу ўринда инглиз тилидаги инсоннинг қад қоматини характерловчи СФБларда кўпинча ‘bone’ ва ‘skin’ компонентлари иштирок этади:

to be skin and bone/bones – *to be extremely thin*-терисидан суягигача;

a bag of bones – *a person or animal that is extremely thin*- қоқ суяк

СФБларда ташқи кўринишга ишониб бўлмайдди, у алдамчи деган фикр илгари сурилади: «*beauty is only skin deep*», яъни. *as deep as the skin, shallow, superficial*. Бунда гўзаллик ҳам субъектив тушунча эканлиги таъкидланади, чунки хар бир киши гўзалликни ўзича талқин қилади:

«*Beauty is in the eye of the beholder*», *different people see beauty in different way, what one person finds beautiful may not appeal to another person*-ёқимли ёмон булгандан, ёқимсиз яхши булган афзал.

Инсон ташқи олам ҳақидаги ахборотни 80%дан кўпроғини кўзлар орқали, кўриш сезгиси орқали қабул қилиб олади. Кўриш орқали янги нарсаларни билиш, ва текшириш мумкин. Шу туфайли «кўз» соматизми соматик фразеологик бирликларнинг ката қисмини ташкил қилади. Кўз

инсон танасидаги энг муҳим органлардан бири бўлганлиг туфайли у объектга йўналтирилган гўзал кўриниши билан диққат- этиборни тортади:

can't take/keep your eyes off sb/smith; to catch sb's eye; to be easy on the eye-кўз остига олмоқ;

*To be all **brawn** and no **brains*** 'to be physically strong but not very intelligent - жисмонан бакувват, аклан заиф. [51, Б. 608.] каби соматик фразеологик бирликлар (*каттакон ва ахмоқона*)бир йўла номинациянинг бир неча гуруҳига мансуб бўлиш мумкин: жисмоний куч ва интеллектуал қобилиятлар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги характерланади:

I agree he's got a good body, but he's **all brawn and no brains** – мен унинг бакуват танаси борлигига кўшиламан, аммо у жисмонан кучли, аклан заифдир. Мисолдаги *brawn* соматизми талқини қуйидагича: 'physical strength, especially when compared with mental skill and intelligence' Middle English, from Anglo-French *braon* flesh, muscle, of Germanic origin; akin to Old English *bræd* flesh *brains* [often plural] 'mental ability and intelligence [56, Б. 1692]. Бундай соматик фразеологизмларда чиройли, барваста қоматли, аммо интеллектга эга бўлмаган эркак образи ифодаланади.

Мисоллардан кўришиб турибдики, СФБлар ўзларида тил вакилларининг оламда мавжуд бўлган воқеа- ҳодиса ва нарсалар ҳақидаги миллий аданият концептидаги энг содда стереотип ва тасаввурлар комплексини акс эттиради.

Яна мисол тариқасида иш ҳаракат ва хулқ-атвор концептига кирувчи *to be limp-wristed* (*inf.*) «a man who is limp-wristed seems weak and lacks the qualities that people usually admire in a man- юмшоқ булмоқ- wristed (*inf.*) « юмшоқ кўринадиган одам wristed, ўзининг юмшоқлиги билан одатда одамларни завқлантирадиган шахс. [51, Б. 608.] Бу СФБ биз учун *limp* 'not firm, stiff or strong'[56, Б. 1692] компонентининг семантикаси муҳимдир. У *рахмдил, юмшоқ кўнгил; иродасиз, қатъиятсиз, аёлмижоз эркак* образи ҳақида миллий менталитетни ифодаламоқда. *Wrist* соматизми эса 'the part of your body between your hand and your arm' кулингиз ва билақларингиз

сизнинг танангизнинг бир кисмидир. [56, Б. 1692] эркакларга нисбатан кўпроқ аёлларга хос характерли белгиларни ифодалашга хизмат қилади. Шундай қилиб СФБ характерида аёлларга хос хусусиятлар мавжуд бўлган эркаклар образини салбий баҳолайди. Кузатишларимиз СФБ ларда аёл қўлларининг, айниқса билакнинг эстетик нуқтаи назардан баҳоланиши кўпроқ учрайди. Аммо бу соматизм эркакларнинг салбий баҳоланишида ҳам кўпроқ қўлланилади.

Н.Д.Арутюнованинг таъкидлашича «кишининг жисмоний кўриниши, руҳий ҳолати, эмоция ва интеллекти унинг тилида ўз аксини топади. [14, Б. 341].

Энди инсон интеллектини характерловчи мисолларга мурожаат қилайлик. Интеллект бу кишидаги қадриятлар, салоҳиятлар, сифатлар, фазилатлар йиғиндисидир. Интеллектнинг мавжудлиги ижобий баҳоланса, унинг мавжуд эмаслиги салбий баҳоланади. Интеллектга хос СФБни шундай қилиб икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин: салбий коннотацияли, яъни интеллекти мавжуд бўлмаган кишилар ва ижобий коннотацияли СФБ Салбий интеллектни, ахмоқ, бемаъни, ақлсиз одам образини ифодаловчи СФБларга қуйидаги фразеологик бирликларни киритиш мумкин:

to be dead from the neck up (humorous) ‘if a person is dead form the neck up, they are very stupid -ахмоқ бўлмоқ; калласи бўлмаслик, быть мертвым от шеи, (юмористической)

to have nothing between the/your ears (inf.) ‘to be stupid- ахмоқ, ақлсиз бўлмоқ; миянда хенима юк;ничего не иметь между/твоими ушами (inf).

soft in the head (inf.) ‘stupid and crazy- нодон бўлмоқ;

Бу ўринда инсоннинг когнитив ақлий қобилятини салбий баҳоловчи СФБлар миқдори ижобийларидан кўпроқни ташкил қилишлигини таъкидлаш жоиз:

a brain box ‘a very intelligent person’- салоҳиятли киши;

to have a good head on your shoulders ‘to be clever’ -калласи жойида, ақл билан иш кўрадиган одам;

to get your head on your shoulders ‘to be clever’ –ақлли бўлмоқ;

to get your head around smth (inf.) ‘to be able to understand smth’-

бирор нарсага жавоб беришга тайёр ;

[51, Б. 608].

Юқоридаги фикрларни хулосалаб айтиш мумкинки, соматик фразеологик бирликларнинг семантикаси бевосита инсон, унинг оламни идрок қилиши ва атроф муҳитга муносабати билан боғлиқ. Инсон ўз тана аъзоларининг номлари орқали ўз онгида шаклланган олам манзарасини вербаллаштиради ва бу ҳар бир лисоний тил вакили томонидан ўз нутқларида соматик фразеологизмлардан кенг фойдаланишга олиб келиши билан изоҳланади. СФБлар семантикасини таҳлил қилиш ўнинг қўлланиш концептосферасини моделлаштириш, идиоманинг образли асосларини аниқлаш имкониятини беради. Лисоний шаклда ифода этилган соматик бирликлар таҳлили инсоннинг ўз танаси аъзоларини номларини, уларнинг функцияларини қандай идрок қилиш усулларини аниқлашга ёрдам беради.

« Инсон танаси аъзолари номлари нутқ жараёнида қўллаш индивидга ўзи ҳақда қатор мазмуний характеристикаларни англашга ёрдам беради, яъни шахс танаси аъзолари номлари қатор фаолият функциялари билан унинг рационал ва эмоционал аспектдаги ахлоқий дунёқарашини акс эттиради, бошқача айтганда, тана аъзолари номлари билан шаъс ўз шахсидаги ички хусусиятларини ташқи олам билан боғлаб тасаввур қилади. [22, Б. 15].

Шу тариқа инсон танаси аъзолари ва уларнинг номлари турли тилларда нафакат уларнинг денотатив маъносида , балки рамзий, образли, метафорик маъноларда қўлланилади.

Одамлар нутқларида ўз танаси аъзоларининг ва унинг қисмлари номларини кўчма маънода қиёлаб, метафорик қўллаб, сўз бирикмалари, мақоллар яратишиб, ўз фикрларини образлироқ ифодалашга, унинг таъсир кучини янада оширишга уринадилар. Шундай қилиб инсоннинг тана аъзолари номлари оламни идрок қилишда унга энг яқин таниш бўлган ном

сифатида қўлланилади. Бу ўринда - *to have something at one's finger tips* - ниманидир ўзининг беш бармоғидек билмоқ иборасини мисол қилиб келтирсак, юқоридаги фикрларнинг барчасини тасдиқлаши мумкин.

Бу жараёнда ташқи оламдан ахборот қабул қилувчи *бош, кўз, қулоқ, бурун* сингари таъна аъзолари номлари, бундай информацияни образли, ижобий ва салбий маъноли баҳолашда вербаллашувига ёрдам берадиган *қўл, бармоқ, оёқ* каби тана аъзолари, ахборот узатишга ёрдам берадиган турли хил *жест ва мимикалар* фаол иштирок этишади. Қуйида уларнинг айримларининг лексик-семантик ва когнитив таҳлилига алоҳида тўхталамиз.

2.2. Hand- (қўл) компонентли СФБларда инсоннинг шахсий сифатларини ифодаланиши

Инсоннинг иш ҳаракати ва турлича муносабатларини ифодалашда энг кўп қўлланиладиган СФБлардан бири **hand-** (қўл) компонентли СФБлардир.

Инсон танасидаги кўздан ташқари бирорта тана аъзоси оламни идрок қилишда ва бу орқали турли ҳаракатларни бажаришда «қўл» соматик бирлигидек фаол қатнашмайди.

Қўл шундай қилиб инсоннинг барча ташқи ва ички фаоллигини акс эттиришда, кўплаб функцияларни бажаришда фаол қатнашади. Қўл шунингдек ташқи муҳит билан муносабатга киришувдаги энг фаол тана аъзосидир. Қўл инсоннинг кинестетик ва тактиль қайтарма алоқалар ўрнатиш қуроли сифатида ташқи оламни ҳиссий идрок қилинишини шаклланишида ҳам муҳим роль ўйнайди ва ундан кактта миқдордаги ахборотни қабул қилишда иштирок этади. А.Блюм келтирган маълумотларга кўра инглиз тилида энг кўп соматик фразеологизмлар ҳосил қилувчи компонент бу *hand* компонентли фразеологизмлардир. Ундан кейин *head, eye, face, arse (ass, butt), foot, nose, finger, heart* компонентли фразеологизмлар туради.

Луғат дефиницияларида “hand” соматизми турли иш ҳаракатларни номинациялаштирувчи процессуал (жараённи ифодаловчи) соматик фразеологизмларни ҳосил қилиши таъкидланади. Масалан:

take matters into your own hands ‘to deal with a problem yourself because the people who should have dealt with it have failed to do so’- ҳамма ишни ўз қўлига олмоқ;

wash your hands of — ‘to end one’s association with someone or something’-қўлини ювиб қўлтиғига урмоқ;

give someone the glad hand — илиқ, дўстона кутиб олмоқ;

give somebody a hand — to help someone do something, especially something that involves physical effort (often + with)- ўз холига қўймоқ;

lift a hand (against someone or something) and raise a hand (against someone or something) – to threaten (to strike) someone or something- кулингизни кутаринг (бирор ким ёки бирор нарсага қарши)–бирор кишини ёки бирор нарсани қурқитиш (уриш) учун;

sit on one’s hands — to do nothing; to fail to help- қўлини қовуштириб ўтирмоқ;[57, Б. 692].

Ўзбек тилидаги «қўл» компонентли қуйидаги соматик фразеологизмларнинг инглиз тилида ифодаланишини ўрганиш улар ўртасидаги лексик, семантик, прагматик фарқларни ўрганишда қизиқарли маълумотларни бериши мумкин:

1. остида бўлмоқ –eat out of somebody’s hand;
2. олтин қўллар – gold hand;
- 3.қўли боғлиқ бўлмоқ –have one’s hands tied;
- 6) қўлини ювиб қўлтиғига артмоқ-wash one’s hands of;
- 7) қўли узин бўлмоқ- have long hands
- 8) қўл ташлашмоқ- shake hands
- 9.овоз бермоқ(қўл кўтармоқ)-a show of hands
10. қўл силтамоқ – twitch hand;
11. қўли ифлос –dirty hand;

Иш ҳаракатни номинация қилишда нафақат «қўл» соматизмининг ўзи, балки унинг алоҳида қисми «бармоқ» ҳам иштирок этади.

Инглиз тилида "*finger*" /бармоқ" компонентли фразеологизмлар ўмумий СФБ таркибининг 3,97% ташкил қилалди. Масалан:

to have sticky fingers '*someone who has sticky fingers often steals things*]- эгри кулларга эга булмоқ, 'кимнингдир кули эгри булса у угриликка мойил булади;

to be all fingers and thumbs '*to be awkward with your hands and keep making mistakes*-бесунакай кулларга эга булмоқ, бармоқларингизнинг бесунакайлиги сабабли яна хатога йул куйаябсиз.[51, Б. 608].

«Ҳар нарсага ёпишиб қоладиган бармоқлар» маъносида қўлланувчи «*sticky fingers*» соматик фразеологизми ифодалайдиган мазмун одатда кўпинча дўконларда кичик ўғирлик қиладиган кишиларга нисбатан қўлланилади.

"*Finger*" компонентли фразеологик бирликлар қуйидаги ҳолатларда қўлланилади:

- инсоннинг жисмоний ҳолатини, ҳаракат характерини ифодалайди:

my fingers itch – қулим қичияпти;

to have a finger in the pie- ҳар ишга бурнини тикавермоқ;

to dab with one's finger – бармоғини ниқтамоқ;

to wind round one's (little) finger – алдаб кетмоқ, чув туширмоқ;

to turn (wlu to twist) smb. round one's (little) finger – кимнидир лаққиллатиб кетмоқ;

to let slip through the fingers – қўлдан чиқармоқ;

his fingers are all thumbs – унинг бармоқлари бесўнакай

his fingers turned to thumbs - унинг бармоқлари бош бармоқларига қараб қайрилди;

to have a finger in smth. – бирор нарсада қўли бўлмоқ;

- иш ҳаракатнинг бажарилиш тарзини ифодалайди:

by a finger's breadth; - бармоқларининг кенглиги билан;

to have a bone in one's (the) arm (leg) – қўлини (бармоғини) ҳам қимирлата олмаслик;

not to move a finger – бармоғини-бармоғига (қулини қўлига) урмоқ;

not to lay (to put) a finger on smb. – бармоғини (қўлини) ҳам текказмаслик;

- инглиз тилининг британ вариантыдан ўзлаштирилган американча вариантдаги соматизмлар:

put the finger on (to) smb. – бирор янги нарсани янги дунёда кўрсатмоқ;

-предметни ифодаловчи маънодаги соматик фразеологизмлар:

fish finger – хамир ёки нон ичига солинган балиқ нимталари;

-инсон фаолиятини, унинг ҳаракатларини ифодаловчи фразеологизмлар:

put ones finger out – бирон нарсани бажаришга уринмоқ.

Мисоллардан кўришиб турибдики, «қўл» «бармоқ» компонентли соматик фразеологизмларининг ўзбек тилига ўгиришда инсоннинг ташқи қиёфаси, хулқ атвори, ҳаракатларини ифодаловчи метафорик маънолар бошқа компонентлар билан ўгирилиши, баъзан «қўл» бармоқ», сўзлари фразеологизм таркибида умуман қўлланилмаслиги ҳолатлари кузатилмоқда. Шу сабабли соматик фразеологизмлар таржимасидаги семантик эквивалентлик, адекватлик, муқобиллик масаласи вужудга келмоқдаки, биз уни алоҳида бобда таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз

2.3. «Eyes»-«кўз» компонентли соматик фразеологик бирликларда инсоннинг шахсий сифатларини ифодаланиши

«Eyes»- «кўз» компоненти орқали ясалувчи соматик фразеологизмлар инсоннинг кўриш сезгиси орқали акс этувчи олам манзалари орқали идрок қилинадиган ахборотни ахборотни образли, таъсирчан лисоний формаларда вербаллаштириш учун ҳизмат қилади ва бу ўринда инсоннинг

Энг муҳим тана аъзоси ҳисобланмиш кўзнинг аҳамияти бекиёсдир. Нда дастлаб инсон ташқи қиёфасига хос алоҳида белгилар таъкидланали, кўриш орқали ҳосил бўлган тасаввурлар орқали қиёсланади. «Кўз» компоненти билан ясалган ва бадий матнда реаллашган қуйидаги фразеологизмлар семантикасига эътибор берайлик:

1. Кўзга боғлик синчковлик, зийракликни ижобий ва салбий баҳоловчи фразеологизмлар. *a sharp/eagle eye* – инглиз ва ўзбек тилларида бу фразеологизм инсонга хос муҳим бир хусусият, унинг кўзи синчков, тийрак, зийрак, бургут кўз эканлиги, у кўрган ҳар қандай нарсага ижобий ёки салбий муносабат билдира олиш қобилиятига эга эканлигини ифодалайди:

After Margaret had told me to be hard I watched Tom Spink with an eagle eye... (J. London, 'The Mutiny of the 'Elsinore', ch. XLV – Маргарет менга қаттиқроқ туришим лозимлигини айтганидан кейин мен Том Спинкни кўз узмай зийраклик билан, кузата бошладим;

to be all eyes – диққат билан қарамоқ, тикилмоқ -смотреть во все глаза *She was all eyes as I unwrapped the package. (WD)* – Бўхчачани очаётган пайтим у мандан кўз узмай тикилиб турди;

to open somebody's eyes to something – кимнидир кўзини очиб қўймоқ, қилган хатоларини, камчиликларини кўрсатиб қўймоқ, кўзини мошдек очиб қўймоқ;

Yes, it is you, my friend, who have opened my eyes to new horizons which I did not even dream of before. (A. I. Cronin, 'A Thing of Beauty', part II, ch. IV) – Ҳа, сиз, менинг дўстимсиз, менинг кўз ўнгимда янги уфқлар очдингиз. Улар ҳақида мен олдинлари орзу ҳам қилишга журъат қилолмасдим.

2. Кўзлар инсон эмоциясини, ҳис-туйғуларини ифодаловчи энг муҳим тана аъзоси сифатида кишининг эмоционал ҳолатини, ундаги ўзгаришларни, ҳайратни, қувончни, ўкинчни ифодаловчи кўплаб соматик фразеологизмлар ясалишида иштирок этади. Инглиз тилида баъзан улар кўз компонентли қисқа иборалар орқали ҳам ифодаланиши мумкин.

Масалан, хайратни ифодалашда *my eye!* иборасидан фойдаланадилар. Бундай хайратни ифодалашда ўзбек тилида «кўз» компоненти иштирок этмаслиги кизикдир. Бундай ҳолларда ўзбеклар: Ана ҳолос! Мана бўлмаса! Буни қарангга! Жин урсин! каби иборалардан фойдаланадилар:

«*My eye!*» said Chester. `We can't work today. Do you know what today is? It's Washington's birthday.' (J. O'Hara, `Ourselves to Know')

–*Жин урсин*,–деди Честер. Ахир бугун ишлаб бўладими! Бугун Вашингтоннинг туғилган куни эканлигини биласизми?

3. Кўз компонентли фразеологизмлар орқали айниқса одамнинг қаҳр-ғазабини, нафратни образли ифодалаш ҳоллари кузатилади:

one's eyes flash fire – кўзларидан олов чакнамоқ, кўзлари ёнмоқ, чарақламоқ, кўзлари ялтираб кетмоқ, кўзлари олайиб кетмоқ:

I hope you're notmeanin' I'm old, Mum Bolton's eyes flashed. (D. Cusack, `Southern Steel', ch. XXXVI) - Умид қиламанки, сиз мени кампир демоқчи эмассиз. Балтон онанинг кўзлари ялтираб кетди.

4. Кўз компонентли соматик фразеологизмлар инсоннинг бирор нарсадан завқланишидан вужудга келган истагини ҳам ифодалайди:

have eyes for - 1) – завқланмоқ, мафтун бўлмоқ, қойил қолмоқ, тассин, тасанно айтмоқ.

Have you eyes for a sandwich? (Suppl) –Бутерброд еб маза қишни хохламайсизми? 2) кўришни, бир бор қарашни истамоқ:

In Amsterdam, I had eyes only for the Rembrandts. (RHD) –Амстердамда фақат Рембрандт асарларини томоша қилиб завқланишни истардим.

5. Ҳасадни, рашкни, ичи қораликни ифодаловчи, инсон табиатидаги салбий хусусиятларни баҳоловчи “кўз» компонентли фразеологизмлар:

the envy eye/green/evil eye – ёмон кўз, ёвуз ният билан тикилувчи кўзлар.

He certainly possesses the gift of the evil eye. (E. Bulwer-Lytton, `The Last Days of Pompeii', part I, ch. III) – Шубҳасиз унинг кўзлари ёвузлик билан боқади.

Кўз компонентли соматик фразеологизмларнинг ўзбек тилидаги эквивалентларини аниқлашда албатта контекст муҳим аҳамиятга эга. Чунки фразеологизмда ифодаланувчи коннотация ўзбек тилида турли муқобиллари билан ифодаланиши мумкин. Бу ўринда аслиятдаги фразеологизмда ифодаланган асосий маънони ўзбек тилидаги адекватини топиш муҳимдир.

2.4. Head-(бош) компонентли соматик фразеологик бирликларда инсоннинг шахсий сифатларини ифодаланиши

А.В.Куниннинг «Инглизча-русча фразеологик луғати» материаллари асосида олиб борган таҳлилимиз хулосаларига кўра **head-(бош)** компонентли соматик фразеологик бирликлар энг кўп миқдорда эканлиги аниқланди. Улар биз аниқлаган соматик фразеологик бирликларнинг 49тасини, ёки 9,26фоизини ташкил қилали.

Инглиз тилидаги Head - (бош) компонентли соматик фразеологик бирликларни ифодаладиган маъноларига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлиб таҳлил қиламиз:

1. Сифат баҳоловчи характеристикага эга бўлган СФБлар:

to have a good head on one's shoulders - елкасида калласи бўлмоқ, ўз ақли билан иш кўрадиган одам;

2. Жисмоний ёки руҳий ҳолатни ифодаловчи СФБлар:

one' heart sank into one's boots – юраги орқасига тортиб кетмоқ;

3. Хулқ -атворни ёки ҳаракат турини ифодаловчи СФБлар:

to have a finger in every pie – ҳар ишга бурнини тикавермоқ;

to show one's teeth – тиш қайрамоқ, тишини ғижиллатмоқ- скалить (зубы);

4. Бош компонентли соматик фразеологизмлар кўпинча инсон нга хос ақл- идрокни салбий ёки ижобий баҳолашда қўлланилади:

a clear head - to have a good head on one's shoulders)- елкасида калласи бор бўлмоқ(ўз ақл-идрокига эга бўлмоқ):

a wooden head - зехнсиз, бeфapocат, aқлcиз:

Well, he's got a bad ear for music, Joshua. When people have wooden heads, you know, it can't be helped. (G. Eliot, 'Adam Bede', ch. V) – Уил Маскерининг ҳеч қандай эшитиш қобилияти йўқ. Агар одамнинг калласи ўрнида тўнка бўлса, ҳечнарсa қила олмайсан-ку, Жошуа

5 Инсоннинг руҳий ҳолатини ифодаловчи «бош» компонентли фразеологизмлар:

- *to hang/lose one's head* - бошини ҳам қилмоқ(эгмоқ): Dr. Macphail bent down - he was not a man to lose his head in an emergency - and turned the body over. (W. S. Maugham, 'Complete Short Stories', 'Rain') - Доктор Макфейл бироз бошини энгаштирди- у оғир вазиятларда ўзинги йўқотиб қуядиган одамлар хилидан эмасди.

- *to keep one's head* – ўзини (эс-хушини) йўқотиб қуймаслик:(The situation was serious, but he kept his head. (W. S. Maugham, 'Complete Short Stories', 'The Door of Opportunity') – Вазият ниҳоятдан мураккаб эди, аммо Олбин эс-хушини йўқотиб қуймади.

- *to bury one's head in the sand* – Эътибор бермаслик, қарамаслик, бирор нарсани кўрмаслик учун кўз юммоқ:

I loved even your so very British talent for hiding your head in the sand when you can no longer avoid the ugliness before your eyes. (D. Cusack, 'Heatwave in Berlin', ch. 17) – Мен сендаги яққол кўзга ташланадиган хунуқликка эътибор бермаслик каби британча қобилиятингни ҳам қадирлайман.

a level head – совуққон бўлмоқ, босиқ феълли, вазмин бўлмоқ: (James Williams belonged among the level heads. (O. Henry, 'The Four Millions', 'Sisters of the Golden Circle') - Джеймс Уильяме босиқ феълли кишилар тоифасига кирарди.

б) Ўз қадр-қиммати билан кимдандир ,устунликни, обрўлиликни ифодаловчи «бош» компонентли фразеологик бирликлар: - *to carry one's head high*- қадини ғоз тутмоқ, бошини баланд кўтариб юрмоқ:

(He had been a just judge. And he had carried his head high. (R. P. Warren, 'All the King's Men', ch. VII) – У ҳақиқий адолатпарвар судья эди. У доимо бошини мағрур кўтариб юрарди.

- to wash one's head-кимнидир бошини совунламоқ (жазоламоқ).

7) Одамнинг фикрлаш, хотирлаш каби ўзига хос хусусиятларини ифодаловчи «бош» компонентли фразеологик бирликлар

- to beat/cudgel/rack one's brains over something-нима ҳақидадир бош котирмоқ:

She had a bad memory for names, and it irritated her not to be able to think of them, so that she would pause in the middle of some story to rack her brains. (W. S. Maugham, 'Of Human Bondage', ch. 94) – У исмларни яхши хотирлай олмасди ва бу унинг ғашини келтирарди. У тез тез суҳбат ўртасида кимнингдир исмини эслайолмай тўхтаб қоларди.

Мисоллардан кўриниб турибдики, «бош» компонентли соматик фразеологизмлар инсоннинг фикрлаш, ҳайратланиш, нафратланиш, каби функцияларини бажарувчи асосий тана аъзоси бўлмиш «бош»(кўпинча мия) фаолиятига боғлаб ассоциация қилинмоқда ва бу компонентли фразеологизмларнинг инсон фаолиятидаги ўрни таъкидланмоқда Бундай моҳиятли фразеологизмлар дунёнинг барча тилларида кўплаб қўлланиши билан эътиборни тортади.

Бундай фразеологизмлар семантикаси бошдаги муҳим элемент ҳисобланувчи «*hair*» - «соч» компонентли фразеологизмларда ҳам ўз ифодасини топади.

Бундай компонентли фразеологизмлар одатда:

1. индвиднинг ҳис, ҳаяжонини, кўрқув ҳиссини ифодалашда қўлланилади:

one's hair stands on end – сочи тикка бўлиб кетмоқ:

Your hair stands on end over something that's absolutely necessary to get the work done as we originally planned- (M. Wilson, 'My Brother, My Enemy', ch.) –

Иш режадагидек кетиши учун энг зарур нарсани бажариш лозим бўлганида, кўраяпсанми, доимо *қўрқувдан сочларинг тикка бўлиб кетади.*

2. Индивиднинг нимадандир нафратини ифодалашда қўлланилади:
get one's hair off – жаҳли чиқмоқ, аччиқланмоқ, аразламоқ:

William: "If you don't find them in two and a half seconds I'll break every bone in your body." Frederick: "It's no good losing your hair about it. If we can't find your bouts we can't." (W. S. Maugham, 'Home and Beauty', act II) –

Уильям:- Агар менинг пойафзалим беш дақиқа ичида топилмаса, сени оёқ-қўлларингни майдалаб ташлайман.

Фредерик: Нега сочингиз тикка бўлади. Ахир улар йўк бўлса, қаердан топаман!

3. Гап соч толаси ҳақида кетганида, арзимас, аҳамиятсиз нарса ҳақида салбий муносабат ифодаланади:

to split hairs – арзимас нарсага ёпишмоқ, жаҳл қилмоқ:

I can't split hairs,' he said. (H. R. Haggard, 'Stella Fregelius', ch. XV) –

Бундай арзимас нарсаларга хушим йўқ,-деди полковник.

by a hair – қилча, жуда кам,бирозгина, арзимас нарса.

He just missed hitting me by a hair. – у бирозгина менга тегиб кетди.

«Бош» компонентли соматик фразеологизмлар ўзбек тилида ҳам жуда кўп. Уларга эквивалентлик нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, фақат изоҳли таржима усулидан фойдаланишга тўғри келади.

Бошини иккита қилиб қуймоқ- *be betrothed*;

Бошишини баланд тутмоқ-*carry one's head high*;

Бошдан оёқ-*from head to foot*

2.5. Nose (бурун) компонентли соматик фразеологик бирликларда инсоннинг шахсий сифатларини ифодаланиши

Nose (бурун)– инсон бошидаги ҳид билиш сезгиси вазифасида келувчи лисоний бирлик бўлиб соматик фразеологизмларнинг ўзининг денотатив маъносида қўлланилмайдиган ягона лисоний бирликдир. Турғун

сўз бирикмаларида бурун энг аввало қандайдир кичик ва калта насрса ҳақидаги тасаввурни ифодалайди. Бундай компонентли СФБларни ифодаловчи маъносига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Ахборот қабул қилиш билан боғлиқ бўлган салбий маънодаги яқин масофани ифодалаб келади:

not to see beyond the end of one's nose – бурнидан нарини кўра олмаслик;

to stole something under one's nose – бурнини остидан ўғирлаб кетмоқ-

2. Одамнинг беўрин синчковлигини, қизиқишга бўлган камчилик хусусиятини ифодалайди:

to stick / poke one's nose into other people's affairs – бировнинг ишига бурнини тикмоқ;

3. Инсон шахъсининг димоғдорлигини, беписанд характерини, ножўя қилиқларини ифодалайди:

to look down one's nose at somebody / with one's nose in the air – бурни кўтарилиб қолмоқ, ўзини катта тутмоқ, гердаймоқ, катта тутмоқ, кеккаймоқ.

to poke one's nose into someone's else business – бировнинг ишига бемавруд аралашмоқ;

cannot see an inch before one's nose – бурнидан нарини кўрмаслик;

under somebody's nose – нақ бурнини остида;

rub somebody's nose in it – бурин тикмоқ;.

lead somebody by the nose – бурнидан етакламоқ;

put somebody's nose out of joint – бурнини артиб қуймоқ; (жазоламоқ маъносида).

get up somebody's nose – ғазаблантирмоқ, ғашига тегмоқ, жаҳлини чиқармоқ, асабига тегмоқ;

make somebody pay through the nose – савдода терисини шилиб олмоқ-;

Шундай қилиб **nose** (**бурун**) компонентли соматик фразеологик бирликларнинг асосий қисми субъектнинг объектга салбий баҳоловчи

муносабатини ифодалаш учун қўлланилади.. Улар ичидан нейтрал ёки ижобий баҳоловчи муносабатни ифодаловчи « *to have a good nose for something*» – «ҳидни яхши сезмоқ», «*have your nose in something* – дучь келмоқ», «*plain as the nose on your face* – худди кафтдагидек» фразеологизмларини ажратиб кўрсатиш мумкин;

II боб бўйича хулосалар

«Тана аъзолари» лексик-семантик майдони шундай қилиб муайян бир тил вакилларининг ментал-когнитив фаолиятлари жараёнида синтез қилинган кўплаб концептлардан ташкил топади ва соматик фразеологизмлар номинация қилинаётган объектнинг характеридан келиб чиққан ҳолда кўплаб гуруҳларга бўлинишини тақоза қилади.

Лексикографик манбаларни (А.В. Куниннинг Англо-русский фразеологический словарь, шунингдек Cambridge International Dictionary of Idioms (Кеймбриджский международный словарь идиом). таҳлил қилиб аниқланган хулосаларига кўра жами 529 та соматик фразеологик бирликлардан энг кўп қўлланиладиганлари «**hand**» компонентли соматик фразеологизмлар бўлиб, улар 71 бирликдан иборат ва улар умимий миқдорнинг 13,42% ташкил қилади. Бундай миқдор «**head**»компонентли соматик фразеологизмларда жами 49та, умимий миқдорнинг 9,26%, «**eye**» компонентли соматик фразеологизмлар 49 бирликни ва умимий миқдорнинг 9,26%, «**face**» компонентли соматик фразеологизмлар 34 бирликни, умимий миқдорнинг 6,43%, «**arse (ass, butt)**» компонентли соматик фразеологизмлар 35та бирликни, умимий миқдорнинг 6,62%, «**foot**» компонентли соматик фразеологизмлар 28 та бирликни, умимий миқдорнинг 5,29%, «**nose**» компонентли соматик фразеологизмлар: 24 та бирликни, умимий миқдорнинг 4,54%, «**finger**» компонентли соматик фразеологик бирликлар 21 та бирликни, умимий миқдорнинг 3,97%ни ташкил қилади.. Бошқа фразеологизмлар жуда кам қўлланиланилиши, уларнинг умимий миқдори 3% дан ошмаслиги қайд қилинади.

Соматик фразеологик бирликлар (СФБ) биринчи навбатда атроф муҳитни, объектив борлиқни инсон онгида ўзига, ўз тана азоларига қиёслаб номинация қилиниши натижасидир. Бу жараёнда тадқиқот объекти сифатида тил ва тафаккур муаммоси биринчи планга чиқади.

Ташқи оламдаги воқеа ва ҳодисалар, предметлар бизнинг онгимизда концепт деб аталувчи ментал тизимлар, когнитив структуралар сифатида идрок қилинади.

«*Концепт* – ментал лексиканинг хотирадаги, онгдаги олам ҳақидаги концептуал системаларга солинган билимларнинг оператив бирлигидир. Энг муҳим ва асосий концептлар айнан тил орқали ифодаланади» [36, Б. 245].

Концепт асосида хотиранинг оператив сақланиш бирлиги, ментал лексикон, концептуал система ва онг тили, инсон руҳиятида ифодаланган бутун дунё қиёфаси тушунилади. Бунда образлар, миллий олам қиёфасини ифодаловчи фрагментлар сўзда умумлаштирилади; ҳар қандай яширин кўшма онг бирлиги, яъни реал ва идеал дунё предметни ифодаловчи номлар миллий тил хотирасида оғзаки кўринишда реаллашади ва тил лексик системасига кириб турғунлашади. Шу сабабли миллат маданияти, фольклори, адабиёти, фани, тасвирий санъати, тарихий тажрибалари, дини, қанчалик бой бўлса, миллий концептосфера шунчалик бой ва рангбаранг бўлади.

Лисоний онг ўз навбатида субъект томонидан нутқий мулоқот жараёнида шаклланган ва қайта ишланган перцептив билимлар билан интеграциялашади. [42, Б. 32-45].

Соматик лексика, яъни инсон танаси азоларини номини ифодаловчи сўзлар дунёдаги ҳар қандай тилда кенг қўлланилиши билан характерланади. Бу индвид онгида, халқ онгида оламнинг лисоний манзарасини ўрганишда тил тизимининг бу муҳим қатламини ўрганиш қанчалик муҳим эканлигини кўрсатади.

Соматик лексикани когнитив ёндашув асосида ўрганилиши шундай қилиб когниция механизмини атрофлича ўрганишга кенг имкониятлар очиб берали. Бундай соматик фразеологизмларни умумий икки категорияга бўлиб ўрганиш мумкин ва уларнинг ҳар бири яна кичик категорияларга бўлинади:

1) Инсоннинг шахсий сифатларини характерловчи категорияга кирувчи СФБлар: а) инсоннинг жисмоний параметрларни характерловчи ва б) инсоннинг ташқи кўринишига кўра характерловчи субкатегорияларга бўлинади.

2) Инсонни турли хил хулқ-атворини, қилиқларини, нутқий, иродавий, интеллектуал ҳарактларини ифодаловчи категория.

Ўз навбатида бир категориянинг ўзига хос хусусиятларига асосланиб уларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин.

1. Инсоннинг соғлиги, жисмоний ҳолати, куч-қуввати ва бардамлигини характерловчи СФБлар;

2. Инсоннинг ташқи кўринишини характерловчи СФБлар қуйидаги субкатегорияларга бўлинади:

а) инсоннинг қад қоматини ифодаловчи СФБлар;

б) инсоннинг ташқи кўринишининг ёқимлилигини, гўзаллигини характерловчи СФБлар.

Бу ўринда инглиз тилидаги инсоннинг қад қоматини характерловчи СФБларда кўпинча 'bone' ва 'skin' компонентлари иштирок этади:

Инсон ташқи олам ҳақидаги ахборотни 80%дан кўпроғини кўзлар орқали, кўриш сезгиси орқали қабул қилиб олади. Кўриш орқали янги нарсаларни билиш, ва текшириш мумкин. Шу туфайли «кўз» соматизми соматик фразеологик бирликларнинг катта қисмини ташкил қилади

Бу ўринда инсоннинг когнитив ақлий қобилятини салбий баҳоловчи СФБлар миқдори ижобийларидан кўпроқни ташкил қилишлигини таъкидлаш жоиз.

Соматик фразеологик бирликларнинг семантикаси бевосита инсон, унинг оламни идрок қилиши ва атроф муҳитга муносабати билан боғлиқ. Инсон ўз тана аъзоларининг номлари орқали ўз онгида шаклланган олам манзарасини вербаллаштиради ва бу ҳар бир лисоний тил вакили томонидан ўз нутқларида соматик фразеологизмлардан кенг фойдаланишга олиб келиши билан изоҳланади.

СФБлар семантикасини таҳлил қилиш ўнинг қўлланиш концептосферасини моделлаштириш, идиоманинг образли асосларини аниқлаш имкониятини беради. Лисоний шаклда ифода этилган соматик бирликлар таҳлили инсоннинг ўз танаси аъзоларини номларини, уларнинг функцияларини қандай идрок қилиш усулларини аниқлашга ёрдам беради.

Шу тариқа инсон танаси аъзолари ва уларнинг номлари турли тилларда нафақат уларнинг денотатив маъносида, балки рамзий, образли, метафорик маъноларда қўлланилади.

Бу жараёнда ташқи оламдан ахборот қабул қилувчи *бош, кўз, қулоқ, бурун* сингари таъна аъзолари номлари, бундай информацияни образли, ижобий ва салбий маъноли баҳолашда вербаллашувига ёрдам берадиган *қўл, бармоқ, оёқ* каби тана аъзолари, ахборот узатишга ёрдам берадиган турли хил *жест ва мимикалар* фаол иштирок этишади.

III БОБ

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ СОМАТИК ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРДА ТИЛЛАРАРО МУҚОБИЛЛИК ВА ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ

3.1 Инглиз ва ўзбек тилларидаги СФБларда мазмуний мувофиқлик ва тиллараро муқобиллик муаммолари

Инглиз ва ўзбек тилларидаги соматик фразеологизмларни қиёслаб ўрганиш, назаримизда қуйидаги саволларга жавоб топилиши билан боғлиқ:

-Ҳар икала тилдаги фразеологик тизимлар ўртасида қандай ўхшашлик ва фарқланувчи жиҳатлар мавжуд?

-Улар тилнинг семантик, функцинал, формал–мазмуний, структур аспектларида қандай акс этади?

- Уларнинг бундай аспекти тилнинг ички ва ташқи (экстринлингвистик) омиллари билан қай даражада боғлиқ?

-Таржимашунослик нуқтаи назардан ҳар икки тилдаги соматик фразеологизмларнинг тиллараро эквивалентлик даражалари қандай?

Инглиз ва ўзбек тилларидаги соматик фразеологик бирликларнинг муқобиллик даражасига турлича факторлар турли даражада таъсир қилиши мумкин. Улар ичидаги энг муҳими мазмуний муқобилликдир. Бундай муқобиллик инглиз тилидаги фразеологик бирлик ифодаладиган умумий ва коннотатив маъноларнинг ўзбек тилида тўлиқ муқобиллиги ва қисман муқобиллиги каби критериялар билан белгиланади.

Масалан: *-to slip through one's finger*-қўлдан чиқариб юбормоқ (имкониятни бой бермоқ) –тўлиқ муқобиллик;

- face to face - юзма-юз келмоқ- тўлиқ муқобиллик;

-to scream at the top of one's lungs- овози борича қичқирмоқ (томоғи йиртилгудек бақирмоқ)- .тўлиқ муқобиллик .

Қисман муқобилликда аслиятдаги асосий компонент таржима тилида бошқа компонент билан алмаштирилса ҳам фразеологизм ифодаладиган

асосий семантик мазмун, коннотатив маъно сақланиб қолинади. Яъни, аслиятдаги ассоциатив маъно таржимада бошқа лисоний бирлик орқали берилади.

- *to throw dust in someone's eye*- кимнингдир кўзига чўп тиқмоқ-қисман муқобиллик;

Бундай семантик муқобиллик соматик фразеологизмлар яшашда энг куп қўлланиладиган компонентлар ҳисобланмиш *bow/head*, *кўз/eye* («скўриш орқали идрок қилишда); *қўл/hand* («фаол таъсирни ифодалашда); *юрак/heart* («ҳис-ҳаяжон, эмоционал муносабатни ифодалашда); *оғиз/mouth*, *тил/tongue* («нутқни, гапиришни ифодалашда) кўпроқ кузатилади.

Бундай фразеологик қаторлар семантик гуруҳларни ҳосил қилиб, ҳар бир гуруҳда битта соматик бирлик гуруҳнинг асосий семаси ҳисобланади. Масалан, фикрлаш жараёни семантик гуруҳига кирувчи соматик фразеологизмлар асосан *бош/head* (баъзан *brain*) соматик компоненти билан ассоциация қилинади:

- *to cudgel one's brains over something*- бирор нарсага бош қотирмоқ.

Айрим ҳолларда фразеологик қатордаги инглизча компонентнинг таржима тилида коннотацияси бошқа компонент бтилан ифодаланиши тез-тез кузатилади. Масалан *юрагидагини(ичидаги)тўкиб солмоқ*, фразеологизми «*юрак ва ич*» сўзлари билан бирдек ассоциация қилинса, инглиз тилида *to bare one's heart*, «жон, рух» сўзлари билан ассоциация қилинади.

Иккинчи муҳим критериялардан бири бу соматик фразеологик бирликнинг структурасида ўз ифодасини топади. Бу ўринда ҳар икала тилдаги соматик фразеологизмлар структурасида тўлиқ семантик муқобиллик ҳолатлари кузатилади.

Бу ҳолат одатда соматик фразеологик бирликнинг лексик таркиби, яъни компонент таркиби ва синтактик структураси орқали аниқланади. Аммо компонентларнинг у ёки бу семантик – тематик гуруҳга мансублиги

фразеологик бирликнинг тиллараро муқобиллик даражасига унчалик таъсир кўрсатмайди. Бу ўринда юқори даражадаги семантик-структур эквивалентликка эга бўлган от компонентли реалиялардан ёки киши исмларидан ҳосил булган , ҳар икала тилда ҳам турғунлашган интернационал характердаги фразеологизмлар гуруҳи мавжудлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Уларнинг келиб чиқиши бошқа бир тиллардаги антик ёки диний манбалар ҳисобланиб, калька усулида вужудга келган соматик фразеологизмлардир. Масалан:

- *Achilles' heel*- ахил тавони-*ахиллесова пята*;

- *one's own flesh and blood*- жон-тани билан-*плоть и кровь*;

an eye for an eye, a tooth for a tooth-- қонга-қон, жонга-жон-*око за око, зуб за зуб* .

Паст жаражадаги структур-семантик фразеологик эквивалентлик бошқа тилларда компонент таркиби билан қиёсланаётган тилларда умуман муқобили мавжуд бўлмаган фразеологик бирликлар учун характерлидир. Масалан, «*one's own flesh and blood*»- *жон-тани билан-плоть и кровь* фразеологизмига мазмунан яқин турувчи – «*all skin and bones*» соматик фразеологизмининг рус тилида «*кожа да кости*» муқобили мавжуд, аммо ўзбек тилида унинг аниқ муқобили мавжуд эмас ва шу сабабли уни «*жон-тани билан*» фразеологизми мазмунининг перифериясида турувчи фразеологик бирлик дейиш мумкин.

Бу ўринда инглиз тилида асосида *head*-*бош*, *eye*-*кўз*, *hand*- *қўл*, *finger*-*бармоқ*, компонентлари мавжуд бўлган, фразеологик бирликлар ҳосил қилишда фаол ва кўп қўлланиладиган бирликларни юқори даражадаги структур-семантик муқобилликка эгаллигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Улар қаторига қуйидаги соматик фразеологизмларни қушиш мумкин:

- *to cry one's eyes out*- кўз ёшини сувдек(дарёдек) оқизмоқ-*выплакать все глаз*;

to hold / carry one's head- бошини мағрур тутмоқ- *высоко держать голову* ;

to turn someone's - кимнингдир бошини айлантормоқ-вскружить голову кому-либо;-

with all one's-чин қалбдан- от всего сердца / всем сердцем ;

lay hands on- ниманидир қўлга олмақ-прибрать что-либо к рукам ;

to twist someone round one's little finger- кимнидир чув туширмоқ- обвести вокруг пальца кого-либо .

Шундай қилиб инглиз тилидаги соматик компонентли фразеологизмларнинг фразеологик фаоллиги, қулланилиш даражаси уларнинг ўзбек тилидаги муқобилларида ҳам ўз аксини топади.

Бу ўринда инглиз ва ўзбек тилидаги соматик фразеологизмларнинг синтактик структураларнинг қиёсий характеристикалари ҳақида ҳам алоҳида тўхталиш лозим. Уларда синтактик алоқа инглиз тилида равишдош формаси мавжуд бўлмаганлиги учун ўзбек рус тилларига бир хил равишдош+от моделига мос келади (*сломя голову- бошини қотириб; скрепя сердце- юраги эзилиб*). Бу ҳолат инглиз ва ўзбек тилларидаги феъл системасидаги мураккаб замон формаларининг, сифатдошларнинг алоҳида шакллариининг мавжудлиги, инглиз тилида келишикларнинг ва шахс формаларининг мавжуд эмаслиги каби ўзига хосликларда ҳам ўз аксини топади ва ҳар икала тилдаги соматик фразеологизмларнинг структур-семантик жиҳатдан фарқланишига олиб келади. Аммо бу критериялар фразеологик бирликлар структур-семантик эквивалентлиги ҳақида гап кетганда асосий критериялар эмас, чунки бу ўринда гап асосий критерий-семантик муқобиллик ҳақида кетиши лозим.

Соматик фразеологизм таркибидаги компонент ифодаловчи кўчма метафорик маъно таржима тилидаги кучма метафорик маънога мос келиш-келмаслиги масаласи, яъни ҳар иккала тилдаги фразеологизмларда бундай ҳолатда ассоциация қилинаётган тушунчалар бирхиллиги ёки хилма-хиллиги масаласи қизиқарли хулосаларга олиб келиши мумкин. Масалан бир хил сотатик лексик бирлик таржима тилида айнан бир хил семантикага эгами ёки бошқа лексик бирлик билан ассоциация қилинадими? Биз

бундай соматик фразеологизмларни куйидаги гуруҳларга бўлиб таҳлил қиламиз:

-тўлиқ структур-семантик эквивалентлари мавжуд бўлган соматик фразеологизмлар. Бундай фразеологизмларнинг семантик маъноси ҳам, компонент таркиби ҳам, синтактик қурилиши ҳам ҳар икала тилда бир хил бўлади. Масалан:

to dab with one's finger – бармоқ ниқтамоқ(алоҳида кўрсатмоқ)-тыкать пальцем;

to wind round one's (little) finger –бармоғининг учида айлантирмоқ-(фириб бермоқ) -обвести вокруг пальца;

to turn (или to twist) smb. round one's (little) finger – кимнидир бармоғининг учида айлантирмоқ (алдамоқ, фириб бермоқ) - обвести кого-либо вокруг пальца;

not to move a finger – қўлини қўлга урмаслик, ҳеч қандай ишга қўл ўрмаслик, боқибегам- палец о палец не ударить;

not to lay (to put) a finger on smb. – қўлини ҳам текказмаслик, боқибегамлик, ишёқмаслик - и пальцем не тронуть;

Бу ўринда инглиз тилидаги фразеологизмларга ўзбек тилида бирнеча муқобил вариантли фразеологизмлар тўлиқ эквивалент бўлишлиги кузатилади.

- умумий образлилиги билан ҳар икала тилда бир хил семантик маъно англатадиган, аммо лексик ва синтактик планда ўзаро фарқланадиган соматик фразеологизмлар.Фикримизни бармоқ, қўл компонентли фразеологизмларга келтирилган мисоллар орқали далиллаймиз. Уларни ҳам икки гуруҳчаларга бўлиб таҳлил қиламиз:

а) «бармоқ» компонентли инглизча фразеологизмлар ва уларнинг ўзбекча эквивалентлари:

to know the way one knows the back of one's hand – ўзининг беш бармоғидек билмоқ - знать, как свои пять пальцев;

to have a bone in one's (the) arm (leg) – бармоғини ҳам қимирлата олмайдиган ҳолатда бўлмоқ- быть не в состоянии пошевелеть пальцем;

to know a thing like a book - ниманидир ўзининг беш бармоғидек билмоқ-миридан-сиригача билмоқ- знать что-то как свои пять пальцев;

to be counted on one hand – бармоқ билан санаб бўладиган оз нарса -по пальцам можно сосчитать;

to turn a blind eye on (to) smth. –нимагадир бармоқ орасидан қарамоқ, эътиборсизлик билан қарамоқ- смотреть сквозь пальцы;

to find a mare's-nest –ноўрин гапириб кўймоқ- попасть пальцем в небо;

б) "*finger*" компонентли инглизча фразеологизмлар ва уларнинг ўзбекча, русча эквивалентлари:

my fingers itch – кўлим қичияпти -у меня руки чешутся;

to let slip through the fingers –қулдан чиқармоқ- упустить из рук;

work one's fingers to the bone – кўл қовуштириб ўтирмай- не покладая рук;

-ўзбек тилида эквивалентлари мавжуд бўлмаган фразеологизмлар.

Бундай фразеологизмлар изоҳли таржима қилинади:

- *by a finger's breadth*- бармоқларининг кенглиги билан;

- *his fingers are all thumbs* – унинг бармоқлари бесўнақай;

-*his fingers turned to thumbs* –унинг бармоқлари бош бармоқларига қараб қайрилди;

-*to have a finger in smth* –бирор нарсада кўли бўлмоқ;

-*to have a finger in the pie* – ҳар ишга бурнини суқмоқ;

Шундай қилиб инглиз тилидаги соматик фразеологизмларнинг ўзбек тилидаги муқобиллари ҳақида гап кетганида уларнинг тўлиқ эквивалентлар, анологлари(муқобиллар) ва эквивалентсиз фразеологик бирликлар нуқтаи назардан таҳлил қилиш мумкин..

3.2. Инглиз ва ўзбек тилларидаги соматик фразеологизмларда

тиллараро эквивалентлик типлари

Инглиз ва ўзбек тилларидаги СФБларнинг қиёсий аспектда ўрганилиши «эквивалентлик» ёки «айнан ўхшашлик», «муқобиллик» атамаларининг моҳиятини аниқлаш завруратини келтириб чиқаради. Маълумки ҳар қандай тилдаги фразеологик идемоматиклик биринчи навбатда миллий ўзига хосликни ифодалайди. Шунга кўра бир тилдаги СФБларнинг иккинчи бир тилдаги эквивалентларини қиёслаб ўрганилиши ёки унинг натижалари аппроксиматик (семантик жиҳатдан бир бир-ларига мос қелмаслик) характерда бўлишлиги табиий. Шу нуқтаи назардан фразеологизмларни қиёслаб ўрганишда қатъий маънодаги эквивалентлик, ўхшашлик, айнан ўхшашлик, адекватлик каби атамалардан фойдаланиш ҳар доим ҳам ўзини оқлайвермайди. Чунки «ҳар қандай тилдаги фразеологизмлар (жумладан соматик фразеологизмлар ҳам) ўз тил тизимида ўзига хос ўринни эгаллаб, алоҳида маъноларга эга бўлади ва улар иккинчи бир тилда ўзгармасдан қайта тикланиши жуда камдан-кам ҳолларда учрайди. Ҳар қандай ҳодиса, жараён, уларни тилда ифодаловчи тушунчаларда барча томонлари билан кўпқиррали ўзаро боғлиқликда, чатишишда реаллашади. Ҳар қандай икки ҳодиса ёки тушунчани семантик жиҳатдан тенг қийматлилигини, бир-бирларини ўрнини алмаштириш мумкинлигини аниқлаш учун уларнинг ички маъноларини, асосий томонларини бир хил шароитларда вербаллашувини тадқиқ қилиш лозим. [44, Б. 21]. Масалан, фразеологик бирликларнинг тиллараро ўзаро мос келишлигининг асосий ва муҳим жиҳати улар ифодаладиган асосий маънонинг бир хил коммуникатив вазиятларда семантик жиҳатдан ўзаро мос келишлигидир. Чунки, ҳар қандай фразеологик бирлик агар от билан ифодаланган соматик бирлик билан ясалган бўлса, нутқнинг мустақил бўлаги сифатида муайян синтактик функцияларни бажаради, яъни эга, тўлдирувчи, ёки қўшма кесимнинг асосий қисми каби функцияларда келиши мумкин. Масалан, «*to know the way one knows the back of one's hand*

– ўзининг беш бармоғидек билмоқ» фразеологизмида «бармоқ» отга хос бирлик сифатида тўлдирувчи бўлиб келаётган бўлса, *work one's fingers to the bone* – қўл қовуштириб ўтирмоқ» бирлигида кесим вазифасида келмоқда.

Ҳар икки мисолдаги нутқ бирликлари синтактик функцияларига кўра ўзаро эквивалент бўлиб келмоқда. Айти пайта улар бажарадиган грамматик функциялардаги фарқлар уларнинг фразеологик эквивалент бўлишлигига ҳалал бермайди. Худди шунингдек ҳар икала тилдаги лексик бирликларнинг ўзаро мос келишлиги ҳам фразеологизмларнинг эквивалентлигида муҳим роль уйнамаслиги мумкин. Масалан, инглизча «манманлик, гердайданлик, димоғи шишганлик, ўзига ҳаддан ташқри ишонганлик, босар-тусарини билмай қолишлик, мағрурлик» маъноларида қўлланувчи «*wind in the head*» соматик фразеологизми русча «ветер на голове», ўзбекча «енгилтак, ҳавойи одам» фразеологизмларига аниқ эквивалент бўла олмайди. Худди шунингдек инглизча *open somebody's eyes* - уйқудан уйғонмоқ кимнидир кўзини очиб қуймоқ фразеологизмига эквивалент бўла олмайди.

Бу борада А.В.Кунин илгари сурилган томонидан эквивалентлик турлари ҳақида тўхталишга тўғри келади. У фразеологик эквивалентликнинг икки тури: мавжудлиги ҳақида фикрни илгари суради: 1. моноэквивалентлик (инглизча ФБларни таржима тилидаги ягона муқобиллиги. Бунда мазмун ва шакл бирлиги ҳам кўзда тутилади;

2. эквивалентсиз ФБлар. Бунда улар таржима тилидаги мазмунан ўхшаш фразеологик синонимлар билан таржима қилинади. [36, Б. 380].

1. Моноэквивалентлик аслиятдаги ФБнинг таржима тилида доимий, бир хил семантик маънодаги муқобили мавжуд бўлишлигини назарда тутиб, унинг маъносига контекст таъсир қила олмайди.

Эквивалентликнинг бу тури Я.П.Рецкер томонидан қонуний эквивалентлик деб юритилган. Мисол тариқасида у *take smth. into one's (own) hands*- ниманидир қулига олмоқ; *right hand* – ўнг қўл; *lay smth. at*

smb`s feet –ниманидир оёқ остига ташламоқ фразеологизмларини келтиради.

А.В.Кунинг моноэквивалентларни ўз навбатида тўлиқ ва қисман эквивалентларга бўлади. Тўлиқ эквивалентлар дейилганида семантик маъноси. Лексик таркиби, образлиги,стилистик вазифаси ва грамматик структураси билан таржима тилида мавжуд бўлган анна шундай эквивалентлар тушунилади. Масалан, интернационал характердаги инглизча диний манбадан олинган «*clean hands*» фразеологизми русча «*чистые руки*», ўзбекча «халол кўллар» соматик фразеологизмига тўлиқ мос келади. Бундай тўлиқ эквивалентлик олимнинг фикрича мифологик, диний ва тарихий фактларга асосланган барча фразеологии бирликларга хос хусусиятдир.

Тиллараро эквивалентлик масаласи В.Гакнинг ишларида бирмунча бошқача тасниф қилинади. У эквивалентларни тўлиқ, қисман, абсолют ва нисбий турларгша ажратадилар [27, Б. 311]. Тулиқ ва қисман эквивалентлик дейилганида фразеологик бирликларнинг барча полисемантик маъноларининг таржима тилида ифодалаш имконияти борлиги ёки бундай имкониятнинг мавжуд эмаслиги назарда тутилади. Семантик-стилистикмаънонинг мос келишлиги ёки келмаслиги уларнинг абсолют ва нисбий эквивалентлар сифатида ажратилишига асос бўлади.

Ифода ва мазмун планидаги тўлиқ эквивалентлик масаласини «nose»- «бурун» компонентли соматик фразеологик бирликлар мисолида кўриб чиқсак. Бундай компонентли соматик фразеологик бирликлар қатор структур-семантик эквивалентлар сериясини вужудга келтиради. Масалан:

to poke one's nose into someone's else business – бировнинг ишига бурин тикмоқ-совать свой нос в чужие дела;

cannot see an inch before one's nose – бурнидан нарини кўрмаслик-не видеть дальше собственного носа;

under somebody's nose –нақ бурнини остидан- под самым носом;

rub somebody's nose in it – бурин тикмоқ- тыкать носом во что-либо;

with one's nose in the air (ўзини баланд тутмоқ-смотреть свысока) – ўзини эҳтиёткор тутмоқ- нос по ветру (быть на чеку, в курсе событий).

Тўлиқ эквивалентли структур-семантик фразеологик бирликларнинг вужудга келиш сабабларидан бири уларнинг учинчи бир тилдан ўзлаштирилиши ёки унинг соф инглизча этимологияси ва унинг бошқа тиллар томонидан ўзлаштирилиши бўлиши мумкин. Инглиз тилидан ўзбек тилига ўзлаштирилган соматик фразеологизмлар мавжудлиги ҳодисасини исботлаш қийин масала, айти пайтда бундай ҳолларда ҳар иккала тилда ҳамбир хил фразеологизмлар яшаш моделлари мавжудлиги бор гап.

Қисман структур-семантик эквивалентлик дейилганида семантикаси бир хил, аммо компонентлар таркибида турлича лексик бирликлар кулланилган фразеологик бирликлар тушунилади. Масалан:

to have a good nose for something – хидни яхши сезмоқ- иметь хороший нюх. Ўзбек ва рус тилларида бурун компоненти тушириб қолдирилган;

lead somebody by the nose – бурнидан ип ўтказиб етакламоқ-вести на поводу. Ўзбек тилида «бурун» компоненти иштирок этаяпти, аммо ип ўтказиб компоненти орттирилган. Русча вариантда бурун компоненти иштирок этмаяпти.

put somebody's nose out of joint – бурнини артиб қуймоқ- утереть нос.

Қисман эквивалентликни кўйидаги турларга бўлиш мумкин:

а) Лексик таркиби билан фарқланадиган, аммо маъно жиҳатдан, стилистик бўёқдорлик ва образлилиги билан аслият бирлигига яқин турадиган эквивалентлар гуруҳи. Масалан:

find one's feet – оёққа туриб олмоқ- становиться на ноги,

get one's hand in – бирор ишга қул ўрмоқ, бажарилгани ҳадисини олмоқ -набивать руку.

б) Лексик-грамматик хусусиятлари билан фарқланадиган, ифодаланадиган маънолар ўзао ўхшаш бўлган, стилистик будорлиги ва образлилиги билан аслият фразеологик бирлигига яқин турган аммо сони,

шакли, сўз тартиби билан фарқланадиган соматик фразеологик бирликлар гуруҳи. Масалан:

to be bound hand and foot – ҳеч бир иш қилаолмайдиган ҳолатга тушмоқ- связать себя по рукам и ногам,

at first hand – ўзи кўриб билмоқ- из первых рук,

from hand to hand – қўлдан- қўлга ўтмоқ- из рук в руки,

play into the hands of smb- қўл келмоқ, – играть на руку (кому-либо).

Инглиз ва ўзбек тилларидаги соматик компонентли фразеологизмларни структур жиҳатдан бир- бирларига ўхшаб кетадиган, бир-бирларига мос келадиган, аммо турлича қарама-қарши маъно англатувчи ясама эквивалентлардан фарқлаш зарур. Масалан:

with one's nose in the air- ўзини баланд тутмоқ - *смотреть свысока*) – ўзини эҳтиёткор тутмоқ- нос по ветру (быть на чеку, в курсе событий). Бундай қарама қарши маъно ифодаловчи фразеологизмлардаги эквивалентлик «таржимоннинг сохта дўстлари» аспектида ўрганилади.

Инсон танаси аъзоси номлари билан ясаладиган икки тушунча ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ифодаловчи фразеологизмлардан ташқари соматик компонентли маъноси нисбий бўлмаган фразеологизмлар ҳам мавжуд. Улар фразеологик чатишув асосида ясалган, ўзига хос структурага эга бўлган (унинг компонентларидан бири архаик сўз билан, эскириб кетган синтактик конструкциялар орқали ясалиши мумкин), на структур планда, на мазмуний планда муқобиллари бўлмаган фразеологик бирликлар гуруҳини ташкил қилади. Бундай эквивалентсиз лексикани вужудга келишига сабаб унинг структур семантик хусусиятининг алоҳида эканлиги билан изоҳланади. Уларнинг келиб чиқиши кўпинча муайян миллат тарихидаги бирор бир тарихий воқеага, миллий урф-одатларга боғлиқ. Энг қизиғи уларнинг изоҳли таржималарида соматик бирликлар бутунлай бошқа компонентлар билан алмаштирилади. Масалан:

get up somebody's nose – ғазаблантирмоқ, ғашига тегмоқ, жаҳлини чиқармоқ, асабига тегмоқ- раздражать;

plain as the nose on your face – худди кафтдагидек равшан -как на ладони;

make somebody pay through the nose – савдода терисини шилиб олмоқ-содрать втридорога;

have your nose in something – дучь келиб колмоқ - уткнуться, погрузиться во что-либо.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги «nose» - «бурун» компонентли фразеологизмлар соматик фразеологизмларнинг энг катта гуруҳларидан бирини ташкил қилиб, тиллараро эквивалентликда ҳам катта қисмини ташкил қилади. Бу ҳар иккала тилда соматик компонент юқори даражадаги фразеологик фаоллик даражасига эгаллиги билан ҳам изоҳланади. Бу ўз навбатида бундай соматик фразеологизмларнинг тиллараро эквивалентлик даражасига ҳам таъсир қилади.

Семантик ва структур планда бир-бирларига тўлиқ эквивалент бўла оладиган соматик фразеологизмлар миқдори уларнинг умумий миқдорига нисбатан жуда кам бўлишини ҳам таъкидлаш жоиз. Бунга инглиз тилида компонентлараро мослашув мавжуд эмаслиги ҳам сабаб бўлади. Узбек ва рус тилларида мослашув ходисаси синтактик боғланишнинг асосий турлари ҳисоблангани ҳолда, инглиз тилида бундай мослашув битишув, бошқарув орқали компенсация қилинади.

Инглиз тилидаги кўплаб фразеологизмларнинг ўзбек тилида эквивалентлари мавжуд эмас. Улар қаторига биринчи навбатда ўзбек тилида мавжуд бўлмаган инглиз реалиялари билан ясалган фразеологизмлар киради. Масалан:

the Black Hand – «Қора қул»-«Чёрная рука» (инглиз гангестерлари шайкасининг номи),

a dead hand – мерос қилинмайдиган кўчмас мулк эгаси- владение недвижимостью без права передачи.

Бундай фразеологизмлар ўзбек тилида одатда калька усулида берилади ва матн остида изоҳланади. Калька ҳарфма-ҳар, сўзма-сўз амалга

ошириладиган таржима усули бўлиб, улар сўз ясовчи, семантик ва фразеологик калька турларига бўлинади.

Сўз ясовчи калькалалар орқали таржима тили воситалари орқали янги лексик бирлик ясалди, ammo у шаклан аслиятдаги сўзга мос келиши керак. Суз ясовчи семантик калькага мисол тариқасида лотин тилидан олинган предмет маъносини ифодалаган “objectum” сўзининг рус тилига “предрассудок» (хурофат) француз тилига “préjugé” шаклида калька қилинишини келтириш мумкин. Буни кўплаб тилларга хос фразеологизмларнинг калкаланишида кўришимиз мумкин:

Французча “avoir une dent (contre)” рус тилида “иметь зуб (против),

Немисча “aufs Haupt schlagen” - рус тилига “разбить наголову.”

Бунда хорижий сўзнинг маъноси калька қилиниб, унинг структураси ва моддий қобиғи ўзлаштирувчи тил воситалари орқали ифодаланди.

Фразеологизмлар ярим калька усулида ҳам бошқа тилларда ўзлаштирилиши мумкин. Масалан, французча “battre en brèche” рус тилига ярим калька усулида “пробить брешь”, французча “faire la cour” - “строить куры”, инглизча “to be a looser” - “быть лузером” сифатида ўзлаштирилган. Бундай яримкалька фразеологизмларни ўзбек тилига ўгиришда сўз семантикасини изоҳлаш орқали бериш энг синалган усулдир.

Одатда семантик калькаларни тўлиқ эквивалентлик турига киритишади.

Айни пайтда ўзлаштира сўзнинг семантик эквивалентлигида лексик таркибнинг ўзгариши ҳам кузатилади. Лексик таркибнинг мос келиши ёки мос келмаслигига ва стилистик функциясига кўра уларни абсолют ва нисбий ўзлаштира фразеологик бирликлар сафига киритишади. Гап нисбий фразеологик эквивалентлик ҳақида кетадиган бўлса, у абсолют фразеологизмлардан айрим кўрсаткичлари билангина фарқ қилади. Бундай фарқлар синонимик компонентларнинг мавжудлиги, синтактик қурилишнинг бироз ўзгариши, бирикувдаги ўзига хосликлар билан изоҳланади.

Масалан:

heart of gold – олтин қалб - золотое сердце. Бошқа барча ҳолларда у аслиятдаги ФБнинг тенгш маъноли эквиваленти бўлиб қолаверади, бунда нисбийлик контекстда яширинган бўлади.

Бу ўринда эквивалент компонентларнинг лексик семантик мазмунига доир фарқлар ҳам кузатилиши мумкин. Масалан инглизча *turn one's back* соматик фразеологизм ўзбекча эквивалентида «*орқасига ўгрилмоқ, елка бурмоқ*» бирликлари билан ифодаланча, рус тилида «показат спину» ибораси билан ўгирилади. Ўзбекча елкамнинг чуқури кўрсин» соматик фразеологизми эса инглиз тилига фақат изоҳли таржима орқали ўгирилиши мумкин.

Айрим ҳолларда аслиятдаги фразеологизм ифодалайдиган семантик маъно ёки образ таржима тилидаги эквивалентдан компонентлари билан бутунлай фарқ қилади. Масалан инглизча *trim one's sails to the wind* фразеологизмининг русча ва ўзбекча эквивалентида «денгиз муҳити» бутунлай ўзгариб «*держать нос по ветру*», ўзбек тилига «*вазиятга қараб иш қилмоқ*» эквивалентлари билан ўгириш мумкин. Бу мисолларда нисбий эквивалентларнинг абсолют эквивалентлардан фарқи яққол сезилиб турибди. Айрим муаллифлар бундай эквивалентликни образлар алмаштирилган *анологлар* деб аташади.

Бир-бирига ўхшамайдиган икки образ орқали ифодаланган анолог эквивалентлар таржимада ўз функцияларини бажаришга мутлоқ ҳалал бермайди. Масалан инглизча *to keep one's eyes open* фразеологик бирикмаси ўзбек тилига «қулоғини динг қилмоқ» рус тилига «*держать ухо остро*» анологлари билан таржима қилинадик, уларнинг образлилиги турли хил бўлса-да семантик эквивалентлик тўлиқ қайта тикланади.

Расман олиб қараганда образли фразеологик бирликни анологи билан иккинчи тилда қайта тиклаш кўпинча эксириб кетган, ёки унитилган метафораларга асосланган бўлса ҳам тил соҳиблари томонидан осонгина

идрок қилингани ҳолда таржима тили соҳиблари учун ҳам қандайдир даражада уни кўчма маънода идрок қилинишига олиб келади. Масалан, русча *остаться с носом* фразеологизми билан ифодаланган ахборотни эшитган ҳар қандай ўзбек «фақат бурин билан қолмоқ» деган ахборотдан объектнинг бурнидан бошқа ҳеч нарса олганлиги ҳақидаги имплицит ахборотни тушугнади.

Бу ўринда фразеологик эквивалентларнинг ташқи томонига ҳам эътибор бериш талаб қилинади. Фразеологик бирликнинг ташқи томони дейилганида унинг грамматик жиҳатдан расмийлашганлиги, уни ҳосил қилган компонентлар миқдори тушунилади. [44, Б. 24]. Бу икки жиҳат унинг структур-грамматик типини белгилайди. Фразеологик эквивалентнинг ички қурилиши эса унинг маъноси ва стилистик вазибалари орқали белгиланади. Бу ҳолатларнинг қай биридир аслиятга мос келмаганида фразеологизмни абсолют эквивалент бўлиш-бўлмаглигини кўрсатиш учун қуйидги мисолларга мурожаат қиламиз:

a heart of gold – олтин қалб(юрак), энг олийжаноб киши- золотое сердце. ИнглизчаСФБ *a heart of gold* – тўртта компонентдан ташкил топган: 1) *a* – артикль; 2) *heart* – от; 3) *of* – предлог; 4) *gold* – от. Ўзбекча эквивалент эса икки компонентдан иборат: 1) *олтин* – сифат; 2) *қалб* – от. Инглизча фразеологизмда *of* предлогининг мавжудлиги унинг қаратқич келишиги функциясида келишлиги билан изоҳланади. Герман ва роман тилларида кенг қўлланиладиган артикльнинг қўлланилиши эса на фразеологизмнинг мазмунига, на унинг образли стилисчтик функциясига таъсир қилмайди.

Бундан фразеологик эквивалентдаги компонент лар миқдоридаги номувофиқлик унинг ички мазмунига, на образлилигига таъсир қилмаганлиги учун буфразеологизмни абсолют эквивалентли фразеологик бюирлик деган хулосага келиш мумкин.

3.3. Head -бош, eye-кўз, hand-қўл, foot -оёқ ва heart-юрак(қалб) компонентли фразеологик бирликларни эквивалентлик назарияси нуқтаи назардан талқини

Диссертация ишимизда эквивалентсизлик муаммосини ФБнинг семантик корреляцияси мавжуд бўлмаган, қиёсланаётган тиллардги фразеологик фонднинг ўзига хос миллий атрибутини белгиловчи семантик муносабатларнинг ўзига хос тури сифатида ўрганамиз. Фразеологик бирликларнинг эквивалентсиз гуруҳлар доирасида икки кичик гуруҳга бўлиб ўрганамиз:

1) Қиёсланаётган тилларнинг бирида мавжуд бўлган, иккинчисида мавжуд бўлмаган маданий тушунчаларни ифодаловчи эквивалентсиз ФБлар;

2) Кўчма маъноли соматик бирлик орқали ҳосил бўлган фразеологик бирликнинг иккинчи тилда кўчма маънода қўлланилмаслигига асосланган эквивалентсиз ФБлар.

Экстралингвистик омилларга боғлиқ бўлган инглиз тилининг британ ва американ ваариантга хос бўлган эквивалентсиз фразеологизмларни ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Американ ва британ вариантларига зос инглизча соматик фразеологизмларининг эквивалентсизлигини ҳам икки кичик гуруҳга бўлиб ўрганамиз:

1) Бир халқ тилига ва маданиятига хос бўлган ва иккинчи тилда мавжуд бўлмаган реалиялар билан ифодаланган турғун фразеологик бирикмалар. Бунга айрим даврий матбуот органларининг номларини, теле ва радио эшиттириш тармоқлари номларини, жой номларини, одамларнинг норасий лақабларини ва ҳақозаларни киритиш мумкин. Бундай фразеологизмлар таркибида соматик компонентлар иштирок этмагани учун улар ҳақида тўхталиб ўтирмаймиз.

2) Фразеологик бирлик –лакуналар. Бу гуруҳга кирувчи фразеологик бирликлар ҳам Буюкбритания, ҳам АҚШда мавжуд бўлган турғун сўз бирикмалари ҳисобланади. Аммо улар бир вариантда бўлган сўз

бирикмалари сифатид қулланилса, иккинчи вариантда бундай турғун сўз бирикмалари кузатилмайди

Бу гуруҳга кирувчи кўплаб СФБлар одамни ташқи кўриниши, фазилатлари, характерининг ўзига хос хусусиятларини белгилайдиган экспрессив-баҳоловчи номинациялар ҳисобланади. Масалан инглиз тилининг мерика вариантыда мавжуд бўлган қуйидаги фразеологик бирликлар инглиз тилининг британ вариантыда мавжуд эмас:

blubber gut (Am., inf.) “семиз, йўғон одам”;

brown nose (Am., sl., vulg.) “хушомадгўй”;

potty mouth (Am., inf.) “матершинник- онабезори”.

Инглиз тилининг британ вариантыда мавжуд бўлган *greedy guts* (Br., inf.) “ебтўймас, мечкай”, американ вариантыда мавжуд эмас.

Бу гуруҳга кирувчи феъл компонентли СФБлар ўзларининг тор семантикалари билан, айти пайтда мураккаб тушунчали мазмуни билан характерланадилар. Уларда муайян ҳаракатлародан ташқари баъзан миқдорни бвҳоловчихарактеристикалар ҳам ифодаланади. Бунай бирликлар луғатларда одатда мураккаб-ёйиқ аниқловчили сўз бирикмалари сифатида дефиниция қилинади:

throw oneself at smb's feet (Am.) “кимгадир ўз хайратини, севгисини ҳамма эшитадиган даражада баоалла айтмоқ;

have an eye for (on) the main chance (Br.) “тўмагирлик қилмоқ, ўз манфаатларини кўзламоқ.

Бу ўринда инглиз тилининг америка ва британ вариантыдаги ФЮларнинг ўзбек тилига ўгиришда эквивалентсизлиги масаласини ҳам эътиборга олиш лозим.

Қуйида инглиз тилидаги *head-бош*, *eye-кўз*, *hand-қўл*, *foot-оёқ* ва *heart-юрак* компонентли соматик фразеологизмларнинг ўзбек тилидаги тўлиқ эквивалентларини жадваллар орқали берамиз.

Head-бош компонентли фразеологизмлар ва уларнинг тўлиқ эквивалентлари		
инглиз тилида: семантикаси: тўлиқ эквиваленти:		
<i>offer smb. a hand and a heart</i>	<i>Кимгадир қулини ва юрагини таклиф қилмоқ</i>	<i>Кимгадир турмуш ўртоғи бўлишликни таклиф қилмоқ</i>
<i>in smb.'s hands</i>	<i>Кўл остида бўлмоқ</i>	<i>Кимнидир қўл остида, хукмида бўлмоқ</i>
<i>on smb.'s hands</i>	<i>Кимнингдир қаромоғида бўлмоқ</i>	<i>Кимнингдир қаромоғида бўлмоқ</i>
<i>fall into smb`s hands</i>	<i>Кимнингдир қўлига тушмоқ</i>	<i>Кимнингдир қўлига тушмоқ</i>
<i>tie smb`s hands</i>	<i>Кимнидир эркин ҳаракат қилиш имкониятини чеклаб қўймоқ.</i>	<i>Кимнингдир бошини айлантириб, қўл-оёғини боғлаб ташламоқ</i>
<i>to lose one's head</i>	<i>Тинчини, хотиржамлигини йўқотмоқ</i>	<i>Бошини йўқотиб қуймоқ</i>
<i>to turn someone's head</i>	<i>Кимдадир чуқур таасурот уйғотмоқ</i>	<i>Кимнидир бошини айлантирмоқ</i>
<i>to take (or put) it into one's head</i>	<i>нимадир хаёлида қаттиқ ўрнашиб қолмоқ</i>	<i>нимадир хаёлида қаттиқ ўрнашиб қолмоқ</i>
<i>a strong head</i>	<i>Кўп ичиб маст бўлмайдиган одам ҳақида</i>	<i>Мечкай, кўзаси тўлмайдиган одам,</i>
Foot-оёқ компонентли фразеологизмлар ва уларнинг тўлиқ эквивалентлари		

<i>be at smb.'s feet</i>	<i>Кимнингдир оёғи остида бўлмоқ</i>	<i>Кимнингдир хукмида, итоатида (қўл остида) бўлмоқ</i>
<i>to put smb. on his legs</i>	<i>Кимгадир моддий ёрдам билан кўмаклашмоқ</i>	<i>Кимнидир оёққа тургазмоқ</i>
<i>Heart-юрак компонентли фразеологизмлар ва уларнинг тўлиқ эквивалентлари</i>		
<i>to take something to heart</i>	<i>нимагадир жиддий ёндашмоқ</i>	<i>Ниманидир юрагига яқин олмоқ</i>
<i>with all one's heart</i>	<i>Самимийлик билан</i>	<i>Чин юракдан</i>
<i>heart is bleeding</i>	<i>Нима ҳақидадир қаттиқ, чин юракдан, самимий ташвишланмоқ</i>	<i>Юраги қон бўлиб</i>
<i>to have heart of gold / big / soft / kind heart</i>	<i>Яхши, самимий олийжаноб одам</i>	<i>Олтин қалб соҳиби</i>
<i>to break one's heart</i>	<i>Юраги жизилламоқ</i>	<i>Қайғу-аламдан юраги эзилмоқ, жизилламоқ</i>
<i>Eye-кўз компонентли фразеологизмлар ва уларнинг тўлиқ эквивалентлари</i>		
<i>sharp eye</i>	<i>Диққат эътиборли, ҳамма нарсани кўрадиган одам</i>	<i>Зийрак, синчков, ўткир кўз одам</i>
<i>to be all eyes</i>	<i>Эҳтиёткорлик билан қарамоқ</i>	<i>Кўз тикиб қарамоқ</i>
<i>to open somebody's eyes to something</i>	<i>Қимгадир ҳақиқатни рўй-рост, очиқ айтмоқ</i>	<i>Кимнидир кўзини очиб қўймоқ</i>
<i>an eye for an eye</i>	<i>Қасос, ўч олмоқ</i>	<i>Қонга-қон, жонга жон</i>
<i>to throw dust in</i>	<i>Алдамоқ, лаққиллатмоқ</i>	<i>Кимнидир чув</i>

<i>someone's eye</i>		<i>туширмоқ, кўзига чўп тиқмоқ</i>
----------------------	--	--

Инглиз тили соматик фразеологизмларига ўзбек тилида қисман эквивалентлар билан ўгириладиган соматик фразеологизмларни куйидаги гуруҳларга бўлиб қиёслаб ўрганамиз::

- 1) Компонентлар таркиби билан фарқланадиган қисман эквивалентлар;
- 2) Образлиги билан фарқланадиган қисман эквивалентлар;
- 3) Отларнинг кўплик формаси билан фарқланадиган қисман эквивалентлар;
- 4) Сўз тартиби билан фарқланадиган грамматик қисман эквивалентлар.

Кўйида қисман эквивалентликни юқорида келтирилган соматик компонентлар мисолида жажвалларда баён қиламиз:

1.КОМПОНЕНТЛАР ТАРКИБИ БИЛАН ФАРҚЛАНАДИГАН ҚИСМАН ЭКВИВАЛЕНТЛАР		
Hand- қўл компонентли СФБлар ва уларнинг ўзбек тилидаги қисман эквивалентлари		
<i>have a hand in smth.</i> (букв. 'иметь руку в чем-либо')	<i>Нимагадир дахлдор, алоқадор бўлмоқ</i>	<i>бирор ишга аралашмоқ</i>
Foot-оёқ компонентли фразеологизмлар ва уларнинг қисман мос келувчи эквивалентлари		
<i>have(got) one foot in the grave</i> (букв. 'иметь одну ногу в могиле')	<i>ўлим ҳолатига яқин бўлмоқ, қариб -қолмоқ</i>	<i>Бир оёғи тўрда, бир оёғи гўрда</i>
<i>be beneath smb.'s foot</i>	<i>Кимнингдир ихтиёрида,</i>	<i>Кимнингдир оёғи</i>

	<i>итоатида бўлмоқ</i>	<i>остида бўлмоқ</i>
<i>be on one's feet</i>	<i>Моддий жиҳатдан, таъминланган, мустақил одам бўлмоқ</i>	<i>Оёққа туриб олмоқ</i>
<i>Head- бош компонентли фразеологик бирликлар ва уларнинг ўзбек тилидаги қисман мос келувчи эквивалентлари</i>		
<i>a cool head</i> (букв. холодная голова)	<i>Ўйлаб иш қиладиган одам</i>	<i>Совуққон одам</i>
<i>to have a good head on one's shoulders</i>	<i>Ақл-идрокли , калласи яхши ишлайдиган одам одам</i>	<i>Калласи жойида одам</i>
<i>to keep one's head</i> (букв. сохранять голову)	<i>Ўзини-ўзи бошқараоладиган одам</i>	<i>Бошини, эс-ҳушини йўқотиб қуймайдиган одам</i>
<i>Heart-юрак компонентли фразеологик бирликлар ва уларнинг ўзбек тилидаги қисман мос келувчи эквивалентлари</i>		
<i>be sick at heart</i> (букв. боль на сердце)	<i>сиқилмоқ, диққат бўлмоқ</i>	<i>Юраги сиқилмоқ</i>
<i>from the bottom of one's heart</i> (букв. с глубины сердца)	<i>Самимийлик</i>	<i>Чин қалбдан</i>
<i>to win one's heart</i> (букв. победить сердце)	<i>қимнидир ёқтириб қолмоқ</i>	<i>Қимнидир қалбини эгалламоқ</i>
<i>Eye- кўз компонентли фразеологик бирликлар ва уларнинг ўзбек тилидаги қисман мос келувчи эквивалентлари</i>		
<i>a naked eye</i> (букв. обнаженный глаз)	<i>шак-шубҳасиз, аниқ</i>	<i>оддий кўз билан аниқ кўрмоқ</i>
<i>in the twinkling of an eye</i>	<i>жуда тез</i>	<i>Кўз очиб юмгунча, киприк қоққунча</i>

		булмай
<i>to make eyes at</i>	Ноз-карашма, ғамза қилмоқ	Кўз сузмоқ
by eye	тахминан	чамаламоқ
<i>to cry one's eyes out</i>	Қаттиқ изтироб, ғам- алам чекмоқ	Кўз ёшини селдек оқизмоқ
<i>to catch the eye</i>	Тик боқишмоқ	Кўз тўқиштирмоқ
2.ОБРАЗЛИЛИГИ БИЛАН ФАРҚЛАНАДИГАН ҚИСМАН ЭКВИВАЛЕНТЛАР		
<i>Hand-қўл компонентли фразеологизмлар ва уларнинг ўзбек тилидаги турлича образли эквивалентлари</i>		
<i>not to lift a hand</i> (букв. 'не поднять руку')	Ҳеч нарса қилмасдан бекор ўтирмоқ	Кўлини совуқ сувга урмаслик
<i>win smb.'s hand</i> (букв. 'выиграть чью-либо руку')	никоҳга розилик олмоқ	Юрагини забт этмоқ
<i>live from hand to mouth</i> (букв. 'жить от руки до рта')	Ночор, базур кун кўрмоқ	Борига барака қилиб яшамоқ
<i>Foot- leg оёқ компонентли фразеологизмлар ва уларнинг ўзбек тилидаги турлича образли эквивалентлари</i>		
<i>smb.'s legs are giving away</i> (букв. 'чью-либо ноги отдают что-либо')	чарчоқдан ҳолсизликдан оёқда тик тура олмаслик	Оёғи акашак бўлиб қолмоқ
<i>smb.'s legs refused to function</i> (букв. 'чью-либо ноги отказались функционировать')	Чарчоқдан, ҳолсизликдан тўғри юра олмаслик	Оёғи чалишмоқ, оёғи айтганни қилмаслик

<i>not to be able to feel one's feet</i> (букв. 'быть неспособным чувствовать свои ноги')	Чарчоқдан, ҳолсизликдан юра олмаслик	Оёқдан қолмоқ, оёғини ҳис қилмаслик
<i>come on the hot foot</i> (букв. 'приходить на горячей ноге')	тез югуриб бормоқ	Бир оёғи бу ерда иккинчиси у ёқда бўлмоқ
Head- бош компонентли фразеологизмлар ва уларнинг ўзбек тилидаги турлича образли эквивалентлари		
<i>to use one's head</i> (букв. пользоваться головой)	ўйламоқ	Миясини ишлатмоқ
<i>to do smth (standing) on one's head</i> (букв. делать, стоя на голове)	Бирор нарсани осонгина бажармоқ	Тез ҳал қилмоқ
<i>soft in the head</i> (букв. мягкий в области головы)	Ақлдан озмоқ, калласи жойида бўлмаслик	Тентак, беақл
<i>to carry one's head high</i>	Гердайиб, мағрур юрмоқ	Бошини тик қилиб юрмоқ
<i>to be off one's head</i>	Ақлдан озмоқ	Калласи жойида бўлмаслик
<i>to have an old head on young shoulders</i>	Ёшига кўра ақллироқ	Ақл ёшда эмас, бошда
<i>a long head</i>	Зийрак, синчкоа	Ўткир нигоҳ. кўз
Heart- юрак компонентли фразеологизмлар ва уларнинг ўзбек тилидаги турлича образли эквивалентлари		
<i>to keep a good heart</i>	Умидсизланмаслик	Руҳий тушкунликка тушмаслик
<i>to eat one's heart out</i>	Изтиробларни,	Тирсагини тишламоқ,

	<i>камситишларни индамай кўтармоқ</i>	<i>тишини-тишига босиб чидамоқ</i>
<i>to open (bare) one's heart to</i>	<i>Сирларини кимгадир тўкиб солмоқ открыть</i>	<i>Юрагини очмоқ</i>
<i>one's heart sank into one's boots</i>	<i>Қаттиқ қўрқмоқ</i>	<i>Кўрқувдан юраги орқасига тортиб кетмоқ</i>
<i>to have one's heart in one's mouth / throat</i>		
<i>a heart of oak</i>	<i>қатъиятли, қурқмас</i>	<i>Мардликда қип-қизил олов, ҳеч нарсадан қайтмайдиган балойи азим</i>
<i>Eye- кўз компонентли фразеологизмлар ва уларнинг ўзбек тилидаги турлича образли эквивалентлари</i>		
<i>have one's eye-teeth cut</i>	<i>Ақли кирмоқ</i>	<i>Қуйилмоқ, ўзини тутиб олмоқ</i>
<i>to make smb. open one's eyes</i>	<i>Қаттиқ ҳайратга солмоқ</i>	<i>Ҳайратдан оғзи очилиб колмоқ</i>
3. ОТЛАРНИНГ КўПЛИК ФОРМАСИ БИЛАН ФАРҚЛАНАДИГАН ҚИСМАН ЭКВИВАЛЕНТЛАР		
<i>Hand-қўл компонентли кўпликдаги соматик фразеологизмларни ўзбек тилидаги бирликдаги қисман эквивалентлар билан ўгирилиши</i>		
<i>come to hands</i>	<i>Тасодифан кўзга илинган нарсани олмоқ</i>	<i>Қўлга илинмоқ, кўзга тушмоқ</i>
<i>lay (put) one's hand to smth.</i>	<i>Бирор иш билан шуғулланишига астойдил киришмоқ</i>	<i>Қўл урмоқ, ишга астойдил киришмоқ</i>
<i>at second hand</i>	<i>Бошқа кишилар томонидан билмоқ,</i>	<i>Миш-мишларга ишонмоқ</i>

	<i>эшитмоқ</i>	
Hand қўл ва foot оёқ компонентли кўпликдаги соматик фразеологизмларни ўзбек тилидаги бирликдаги қисман эквивалентлар билан ўгирилиши		
<i>bind smb. 's hand and foot</i>	<i>Кимнингдир эркин ҳаракатланишига чек қўймоқ</i>	<i>Оёқ –қўлини боғлаб ташламоқ</i>
Eye-кўз компонентли кўпликдаги соматик фразеологизмларни ўзбек тилидаги бирликдаги қисман эквивалентлар билан ўгирилиши		
<i>to turn a blind eye to smth</i>	<i>Нимагадир жиддий эътибор бермаслик</i>	<i>Нимагадир кўз юймоқ</i>
<i>to keep an eye on somebody</i>	<i>Кимнидир кузатиб турмоқ</i>	<i>Кимдандир кўз узмай қараб турмоқ</i>
4.СЎЗ ТАРТИБИ БИЛАН ФАРҚЛАНАДИГАН ГРАММАТИК ҚИСМАН ЭКВИВАЛЕНТЛАР		
<i>lay hands on oneself</i>	<i>ўзини-ўзи ўлдирмоқ</i>	<i>Жонига қасд қилмоқ</i>
<i>ask for a lady's hand</i>	<i>Қизга ёки унинг ота онасидан никоҳга розилик сўрамоқ просить руки (девушки)</i>	<i>Қизнинг қўлини сўрамоқ</i>
<i>have an eye (on)</i>	<i>Қимгадир нисбатан ўз режаси бўлмоқ</i>	<i>Кимгадир кўз тикмоқ</i>

Ш боб бўйича хулосалар

1. Инглиз тилидаги сооматк фразеологизмларни ўзбек тилига ўгиришда тиллараро эквивалентликнинг қуйидаги турлари аниқланди:

- а) тўлиқ ва қисман мос келувчи фразеологик эквивалентлар;
- б) тўлиқ ва қисман мос келувчи анологлар(муқобил вариантлар);
- в) эквивалентсиз СФБлар.

2.Тўлиқ фразеологик эквивалентлар дейилганида инглиз ва ўзбек тилларидаги сигнификатив-денотатив ва коннотатив компонентлари билан яъни баҳоловчи, эмотив, экспрессив ва функционал-стилистик функциялари билан, лексик, грамматик ва структур таркиби билан ўзаро максимал равишда мос келадиган фразеологик бирликлар тушунилади.

Қисман мос келувчи фразеологик эквивалентлар икки кичик гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга предлогларнинг қулланилиши, отларнинг сонини ифодалашда артикларнинг қўлланилиши, лексик таркибнинг хилма-хиллигига кўра фарқланадиган фразеологик эквивалентлар киради.

Иккинчи гуруҳга сўз тартиби билан фарқланадиган қисман мос келувчи эквивалентлар киради.

3.Тўлиқ аналог эквивалентлар(муқобил вариантлар) ўз навбатида икки кичик гуруҳларга бўлинади.

Биринчи гуруҳга бир хил сигнификатив-денотатив маънога эга бўлган , структур –грамматик жиҳатдан ўхшаш бўлган ва компонентлар таркиби фақат битта соматик сўз асосида ясалган фразеологик бирликлар киради.

Иккинчи гуруҳга сигнификативденотатив маънолари ўзаро яқин маъноларни англатувчи, лексик таркиби ўзаро ўхшаш ёки яқин бўлган, структур-грамматик тузилишида фарқланувчи фразеологик эквивалентлар киради.

Қисман мос келувчи фразеологик аналоглар(муқобил вариантлар) сигнификатив ва денотатив маънолари ўзаро бир-бирига яқин бўлган, аммокомпонент таркиби ва структур грамматик тузилиши билан бутунлай мос келмайдиган фразеологик эквивалентларни ўз ичига олади..

4. Эквивалентсиз СФБлар дейилганида ўзбек тили фразеологик системасида на эквивалентлари, на аналоглари мавжуд бўлмаган соматик фразеологик бирликлар тушунилади.

5. Инглиз тилидаги эквивалентсиз СФБларни ўзбек тилига ўгиришда калькаләш, изоҳләш, баён усулларидадан фойдаланилади.

СФБларни инглиз тилидан ўзбек тилига угиришда калкалаш усулидан фойдаланишда улар тўлиқ ёки қисман калькаланиши мумкин ва бу ўринда кўпроқ қисман калькалаш кўпроқ қўлланилади. Инглиз тилидаги СФБларни ўзбек тилига ўгиришда кўп миқдордаги соматик фразеологизмларни асосан изоҳлаш ва баён қилиш усулидан фойдаланилган ҳолда ўгириш ҳолати кузатилади. Инглиз тилидан ўзбек тилига изоҳлаш орқали ўгирилган СФБларда ассоциатив образлар бирмунча хиралашади, эмотивлик ва экспрессивлик ҳам пасаяди. Бу усулдан фойдаланишда ўзбек тилида кўпинча ёйиқ сўз бирикмаларидан ёки жумлалардан фойдаланишга тўғри келади.

6. Инглиз тилидаги СФБларни ўзбек тилидаги тўлиқ ва қисман мос келувчи эквивалентларини ва аналогларини(муқобил вариантларини) қиёслаб ўрганиш ва аниқлаш шу жиҳати билан муҳимки, эришилган натижалардан лексикографик луғатлар тузиш, инглиз тилидан ўзбек тилига бадий асарлар таржимасида кенг фойдаланиш мумкин.

Инглиз тилидаги СФБларнинг ўзбек тилига ўгиришдаги тўлиқ эквивалентлик миқдорининг камлиги қуйидаги омилларга боғлиқ:

биринчидан,-бу тилларнинг турли типдаги тил системасига мансублиги билан изоҳланади;

-иккинчидан, тушунчаларни лисоний ифодаш ҳар бир тил ва маданиятнинг, турмуш тарзининг ўзига хослиги, улар кўп ўринларда бир-бирларига мос келмаслиги билан изоҳланади;

-учинчидан, қиёсланаётган тил вакилларининг ўзаро муносабатга киришмасдан асрлар жараёнида бир-бирларидан узоқ минтақаларда яшашлиги билан изоҳланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, инглиз ва ўзбек тиллари соматик фразеологик бирликлари орасида тиллараро эквивалентликни аниқлашнинг асосий критерияси бу улар ифодаладиган умумий маъно ва уларнинг лексик тизими ҳисобланади. Бу ҳолда уларнинг семантикасидаги ва компонентлар таркибидаги мос келишлик ва мос келмаслик ҳолатлари (

синтактик структуралар тил системалари турлича бўлганлиги учун амалда ҳеч қачон бир бирларига мос келмайди) барибир икки тил СФБлари ўртасида муайян типлардаги эквивалентлар мавжудлигидан далолат беради.

ХУЛОСА

Инглиз ва ўзбек тилларидаги соматик фразеологизмларни структур-грамматик ва семантик аспектларда қиёсий таҳлил қилиш қиёсланаётган тиллар фразеологик системаларидаги ўхшашлик ва фарқловчи белгиларни аниқлаш имкониятини берди. Инглиз ва ўзбек тиллари СФБлар ўртасидagi фарқлар даставвал фразеологизмларнинг компонент таркибларининг турлича лексик бирликлар билан ифодаланишида ва структур-грамматик хусусиятларида ўз аксини топади. Бу эса бу тилларнинг қардош бўлмаган турли типдаги тил системаларига мансублиги билан изоҳланади. Ўзбек тилидаги кўпчилиги СФБлар тўрт компонентдан иборат бўлиб, улар тобе ва тенг боғланган моделлар асосида вужудга келишган. Уларнинг кўпчилик қисмини ўзбек тилига хос ўзаро муносабатдош бўлган жуфт фразеологизмлардан иборат. Инглизча СФБларнинг эквивалентлари ва муқобиллари вазифасида келувчи бундай фразеологизмлар ичида равшдош ва сифатдош компонентли фразеологик эквивалентлар жуда кам учрайди. Сифатлар ва олмошлар сўз тартиби нуқтаи назардан отдан олдин ҳам, кейин ҳам келиши, сонлар ҳам феълдан олдин ёки кейин келиши мумкин.

Юқорида билдирилган фикрлардан қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Инглиз ва ўзбек тилидаги соматик фразеологик бирликлар ўртасидаги қуйидагилардан иборат:

а) ҳар икки тиллардаги СФБларнинг ўзаро структур фарқлари: компонентларнинг бир бирларига мос келмаслиги ва грамматик тузилишининг хилма-хиллиги;

Ҳар икала тилларга мансуб фразеологизмлар ўртасидаги семантик фарқлар; сигнификатив, денотатив, коннотатив маънолари ўртасидаги фарқлар (баҳоловчи, эмотив, экспрессив ва стилистик функцияларидаги фарқлар).

2. Инглиз ва ўзбек тиллари фразеологик бирликлар фондида турли моделлардаги фразеологизмлар учрайди, аммо уларнинг фразеологик фаоллиги қиёсланаётган тилларда турлича эканлиги аниқланди. Инглиз

тилида СФБларнинг энг катта гуруҳини (умумий 567 ФБнинг 98,3%) компоратив бўлмаган фразеологик бирликлар ташкил қилади. Бундай соматик фразеологик бирликлар ўзбек тилида умумий соматик бирликларнинг 41, 65 ташкил қилади. Компаратив СФБлар инглиз тилида умумий миқдорнинг 1,7 ; ташкил қилса, ўзбек тилида 8,3% ни ташкил қилади.

3.Инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологик бирликларда олам манзараси инсон танаси номлари орқали ассоциация қилиниб, тил вакиллари умум инсониятга хос хусусиятларни ёрқин акс эттиришга хизмат қилади. Бу ўринда ҳар икала тилда соматик фразеологизмларнинг бош компоненти вазифасида келиши мумкин бўлган 33 та соматик лексик бирлик мавжуд эканлиги аниқланди. Ҳар икала тилда энг кўп қўлланадиган ва фразеологизмлар ҳосил қилишда фаол иштирок этувчи сўзлар «hand, tay - қўл», «eye, mat – кўз», «hand, tay –қўл», «head, dau – бош»; ҳисобланади. Ҳар иккала тилга хос соматик бирликларнинг фразеологик фаоллиги, шунингдек бир хил компонентлардан ҳосил қилинган фразеологизмлар семантикаси бир-бирларидан анча фарқ қилади. Шундай қилиб инсон организми ва унинг алоҳида қисмларининг номлари билан ясаладиган фразеологик бирликларда оламнинг лисоний манзараси ҳар иккала тилда турлича тасаввур қилинади. Буларнинг ҳаммаси муайян ҳалққа мансуб маданият ва анъаналарнинг тилда ўз аксини топиши ва муайян ўзига хосликлар ҳосил қилиши билан изоҳланади.

4.Инглиз ва ўзбек тилларидаги СФБларнинг структур семантик характеристикалари уларнинг тиллараро эквивалентлик даражасини аниқлашда муҳим омил ҳисобланади.

Инглиз тилидаги СФБлардан 216 таси ўзбек тилида тўлиқ ва қисман эквивалентларга эга бўлса, кўпчилик соматик фразеологик бирликлар эквивалентсиз фразеологик бирликлар ҳисобланади.

Инглиз тилидаги кўплаб соматик фразеологизмларнинг компонентлари тобеловчи алоқа моделлари асосида ясалади, айти пайтда

тенг боғланишга асосланган фразеологик моделлар жуда камчиликни ташкил қлади.

Инглиз тилидаги СФБнинг компонентлар таркибининг миқдори ўзбек тилидагидан фарқли улароқ уларнинг фразеологик характеристикаларига таъсир кўрсатмайди. Инглиз СФБларида отлар одатда аниқ ва ноаниқ аартикллар билан қўлланилади ва бу ҳолат ўзбек тилида мавжуд бўлмаганлиги сабаб қиёсланаётган тиллардаги СФБларнинг структур-грамматик ўзига хосликларини хосил қилади. Структур-грамматик қурилишдаги бундай фарқлар ўз навбатида уларнинг сигнификатив-денотатив ва коннотатив маъноларидаги фарқларга ҳам олиб келади. Бундай фарқлар семантик фарқлар дея юритилиб СФБ ифодалайдиган баҳоловчи, эмотив, экспрессив ва стилистик функцияларда ўз аксини топади.

Бу ўринда инглиз тилидаги 45 та СФБдан 33 тасида фразео-семантик хусусиятлар бир хил эканлиги, яъни ўзаро мос келишлиги, 12 таси эса ҳар бир тилда алоҳида семантикага эга бўлиб, бир-бирларидан фарқ қилшлиги аниқланди. Лексикографик манбалардан олинган маълумотларга кўра инглиз тилидаги энг кўп қўлланиладиган компонентлардан *hand-қўл компоненти* -230 СФБни, *tau* - қўл 270 СФБ, *eye-кўз* 150 СФБ, *mat* - кўз 140 СФБ ҳосил қилади. Инглиз тилида *forehead* - 'пешона', *liver* - 'жигар', *intestine* - 'ичак', *lung* - 'ўпка', *waist* - 'бел' соматик бирликлари билан фразеологик бирликлар ясалмаслиги, ўзбек тилида ҳам инглиз тилидан фарқли улароқ бармоқ, тирсак, тавон, панжа сўзлари билан фразеологизмлар ясалмаслиги аниқланди.

Бу ўринда ҳар иккала тилда. *hand, tau* - қўл компонентли СФБлар эзишни, тобеликни, инсон характер ива фаолиятини ифодаловчи умумий семантикага эгалиги, *head, dau* – бош компонентли СФБлар умумий маънодаги ақллиликни, инсон характерига хос бўлган фикрдаш фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини ифодалаши аниқланди.

Инглиз тилидаги heart, tim – юрак компонентли СФБлар эса ҳисмтётни, кайфиятни, рўхий кечинмаларни ифодаласа, ўзбек тилидаги юрак компонентли СФБлар «жигар», «ичак» компонентлари билан биргаликда фақат одамнинг эмоциясини, маънавий ва руҳий ҳолатини акс эттиради.

Инглиз тилидаги eye – кўз компонентли СФБларнинг семантикаси ўзбек тилидаги шу компонентли фразеологизмлар семантикасидан фарқ қилади. Масалан инглиз тилидаги кўз компоненти билан ясалган кўплаб фразеологизмлар кўриш жараёнига боғлиқ фразеологизмларни ташкил қилса, ўзбек тилидаги «кўз» компонентли фразеологизмлар инсон фаолиятини, иш ҳаракатини салбий баҳоловчи характеристикаларини ҳам ифодалайди.

5. Инглиз тилидаги СФБларнинг ўзбек тилидаги эквивалентларини таҳлил қилишда уларнинг қуйидаги турлари аниқланди:

- а) тўлиқ ва қисман мос келувчи фразеологик эквивалентлар;
- б) тўлиқ ва қисман мос келувчи анологлар(муқобил вариантлар);
- в) эквивалентсиз СФБлар.

Тўлиқ фразеологик эквивалентлар дейилганида инглиз ва ўзбек тилларидаги сигнификатив-денотатив ва коннотатив компонентлари билан яъни баҳоловчи, эмотив, экспрессив ва функционал-стилистик функциялари билан, лексик, грамматик ва структур таркиби билан ўзаро максимал равишда мос келадиган фразеологик бирликлар тушунилади.

Қисман мос келувчи фразеологик эквивалентлар икки кичик гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга предлогларнинг қулланилиши, отларнинг сонини ифодалашда артикларнинг қўлланилиши, лексик таркибнинг хилма-хиллигига кўра фарқланадиган фразеологик эквивалентлар киради.

Иккинчи гуруҳга сўз тартиби билан фарқланадиган қисман мос келувчи эквивалентлар киради.

3.Тўлиқ анолог эквивалентлар(муқобил вариантлар) ўз навбатида икки кичик гуруҳларга бўлинади.

Биринчи гуруҳга бир хил сигнификатив-денотатив маънога эга бўлган , структур –грамматик жиҳатдан ўхшаш бўлган ва компонентлар таркиби фақат битта соматик сўз асосида ясалган фразеологик бирликлар киради.

Иккинчи гуруҳга сигнификат ва денотатив маънолари ўзаро яқин маъноларни англатувчи, лексик таркиби ўзаро ўхшаш ёки яқин бўлган, структур-грамматик тузилишида фарқланувчи фразеологик эквивалентлар киради.

Қисман мос келувчи фразеологик анологлар (муқобил вариантлар) сигнификатив ва денотатив маънолари ўзаро бир-бирига яқин бўлган, аммо компонент таркиби ва структур грамматик тузилиши билан бутунлай мос келмайдиган фразеологик эквивалентларни ўз ичига олади.

Эквивалентсиз СФБлар дейилганида ўзбек тили фразеологик системасида на эквивалентлари, на анологлари мавжуд бўлмаган соматик фразеологик бирликлар тушунилади.

Инглиз тилидаги эквивалентсиз СФБларни ўзбек тилига ўгиришда калькаш, изоҳлаш, баён усулларидадан фойдаланилади.

СФБларни инглиз тилидан ўзбек тилига угиришда калкаш усулидан фойдаланишда улар тўлиқ ёки қисман калькаланиши мумкин ва бу ўринда кўпроқ қисман калькаш кўпроқ қулланилади. Инглиз тилидаги СФБларни ўзбек тилига ўгиришда кўп миқдордаги соматик фразеологизмларни асосан изоҳлаш ва баён қилиш усулидан фойдаланилган ҳолда ўгириш ҳолати кузатилади. Инглиз тилидан ўзбек тилига изоҳлаш орқали ўгирилган СФБларда ассоциатив образлар бирмунча хиралашади, эмотивлик ва экспрессивлик ҳам пасаяди. Бу усулдан фойдаланишда ўзбек тилида кўпинча ёйиқ сўз бирикмаларидан ёки жумлалардан фойдаланишга тўғри келади.

Инглиз тилидаги СФБларни ўзбек тилидаги тўлиқ ва қисман мос келувчи эквивалентларини ва анологларини (муқобил вариантларини) қиёслаб ўрганиш ва аниқлаш шу жиҳати билан муҳимки, эришилган

натижалардан лексикографик луғатлар тузиш, инглиз тилидан ўзбек тилига бадий асарлар таржимасида кенг фойдаланиш мумкин.

Инглиз тилидаги СФБларнинг ўзбек тилига ўгиришдаги тўлиқ эквивалентлик миқдорининг камлиги қуйидаги омилларга боғлиқ:

биринчидан, - бу тилларнинг турли типдаги тил системасига мансублиги билан изоҳланади;

-иккинчидан, тушунчаларни лисоний ифодаш ҳар бир тил ва маданиятнинг, турмуш тарзининг ўзига хослиги, улар кўп ўринларда бир-бирларига мос келмаслиги билан изоҳланади;

-учинчидан, қиёсланаётган тил вакилларининг ўзаро муносабатга киришмасдан асрлар жараёнида бир-бирларидан узоқ минтақаларда яшашлиги билан изоҳланади.

Инглиз тилидаги фразеологик бирликларни ўзбек тилига ўгиришда энг кўп сонли гуруҳни эквивалентсиз СФБлар ташкил қилади. Уларни ўзбек тилига ўгиришда қуйидаги таржима усулларида фойдаланилади: калькаләш, изоҳли таржима усули ва лексик баён усули. Улар ичида энг кўп қулланиладиган усул ишимизда изоҳли таржима ва баён усуллари бўлди.

Ишимизда қўлга киритилган натижа ва хулосалар инглиз ва ўзбек тилларидаги СФБлар борасида олиб борилган қиёсий таҳлил материални янада бойитиш учун хизмат қилади ва қардош бўлмаган тиллар СФБларини ўрганишда назарий асос вазифасини бажариши мумкин. Ишимиз натижаларидан шунингдек соматик фразеологизмларнинг инглизча-русча ўзбекча уч тиллик луғатини яратишда фойдаланиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент. Ўзбекистон 1995. 260 б.
2. Каримов И.А. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. 1997. 34 б.
3. Каримов И.А. “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқ // Тошкент. М.Тўп Т.Б 1998. 312 б.
4. Азимова М.Н. Сопоставительный анализ соматической лексики и фразеологии таджикского и английского языков: Дисс. . канд. филол. наук. - Ленинабад, 1980. - 184 с.
5. Алеева Г.Х. Сопоставительный анализ фразеологических единиц, характеризующих внешность человека, в английском и турецком языках: Автореф. дисс. . канд. филол. наук. Казань, 1999. -22 с.
6. Алефиренко Н.Ф. О статусе фразеологического значения среди семантических единиц других уровней языка / Н.Ф.Алефиренко // Проблемы фразеологии. Тула, 1980. - С.132-140.
7. Алефиренко Н.Ф. Спорные проблемы семантики / Н.Ф.Алефиренко. Волгоград: Перемена, 1999. - 274 с.
8. Алехина А.И. Исследование системной организации фразеологии современного английского языка: проблема фразеологических отношений и фразеологических структур: Автореф. дисс.. докт. филол. наук.-Л., 1986.- 33 с.
9. Альдайбани А.А. Фразеологические единицы, выражающие интеллектуальные способности человека в английском и русском языках: Дисс. канд. филол. наук. Казань, 2003. - 199 с.
9. Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. Синонимические средства языка / Ю.Д.Апресян. М.: Наука, 1974. - 367 с.
10. Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка / И.В.Арнольд. Л.: Просвещение, 1973. - 304 с.

11. Арсентьева Е.Ф. Сопоставительный анализ фразеологических единиц / Е.Ф.Арсентьева. Казань: Изд-во Казанского, ун-та, 1989. - 124 с.
12. Арсентьева Е.Ф. Сопоставительный анализ фразеологических единиц, семантически ориентированных на человека, в английском и русском языках и вопросы создания русско-английского фразеологического словаря: Дисс. .докт. филол. наук. -Казань, 1993.-476 с.
13. Арутюнова Н.Д. Типы языковых значений: Оценка. Событие. Факт. М.: Наука, 1988.-341 с.
14. Арутюнова Н. Д. «Язык и мир человека». М.: Языки русской культуры, 1999. — 896 с.
15. Байрамова Л.К. Исследование и преподавание фразеологии в аспекте универсалий и уникалий // Лексикология и фразеология: новый взгляд. М., 1990. - С. 7-8.
16. Байрамова Л.К. Конгруэнтность и эквивалентность в лексике и фразеологии .Проблемы сравнительной типологии родного и изучаемого языков: межвуз. сб. науч. тр. Казань, 1988. - С. 3-10.
17. Балли Ш. Французская стилистика / Ш.Балли. М., 1961. - 262 с.
18. Баранова Л.Ф. Структурно-семантические соотношения английской и русской фразеологии (на материале произведений Джеймса Олдриджа и их переводов на русский язык): Автореф. дисс. . канд. филол. наук. Ленинград, 1970. - 19 с.
19. Башиева С.К. Стилистический компонент фразеологического значения: Дисс. . докт. филол. наук. Нальчик, 1995.-318 с.
20. Беляевская Е. Г. Концептуальные основания семантики языковых единиц (от лексикологии к фразеологии) – М., 2005. – Вестник МГЛУ; вып. 500. Сер. Лингвистика – С. 23.
21. Берестнев Г. И. Самопознание личности в зеркале языка: Автореф. дис.д-ра филол. наук. М., 2000 – С. 15.
22. Вакк Э.Г. Структура лексического и фразеологического значения 1968,- 223с.

23. Вежбицкая А. Понимание культур через посредство ключевых слов / М.: Языки славянской культуры, 2001. - 288 с.
24. Вежбицкая А. Сопоставление культур через посредство лексики и прагматики / А.Вежбицкая. М.: Языки славянской культуры, 2001. -272 с.
25. Вострякова Н.Л. Коннотативная семантика и прагматика номинативных единиц русского языка: Автореф. дисс. . канд. филол. наук. Волгоград, 1998. - 22 с.
26. Гак В.Г. Язык как форма самовыражения народа . // Язык как средство трансляции культуры. М.: Наука, 2000. - 311 с.
27. Городникова М.Д. О семантической микроструктуре лексических и фразеологических единиц, выражающих эмоции // Семантическая структура слова и фразеологизма. -Рязань, 1980.-С 31-39.
28. Джордж М. Структурные и семантические особенности фразеологических единиц с соматическим компонентом в русском языке в сопоставлении с английским: Автореф. дисс. .канд. филол. наук. М., 1999.- 15 с.
29. Долгополов Ю.А. Сопоставительный анализ соматической фразеологии (на материале русского, английского и немецкого языков): Дисс. . канд. филол. наук. Казань, 1973. - 263 с.
30. Жуков В.П. Семантика фразеологических оборотов / В.П.Жуков. - М: Наука, 1978. 163 с.
31. Караулов Ю.Н. Лингвистика конструирования и тезаурус литературного языка / Ю.Н.Караулов. М.: Наука, 1981. - 366 с.
32. Кармышаков А.О. Соматические фразеологизмы в русском и киргизском языках: Дисс. . канд. канд. филол. наук. Бишкек, 1992. -243 с.
33. Колшанский Г.В. Контекстуальная семантика / Г.В.Колшанский. - М.: Наука, 1980.- 148 с.
34. Кругликова Л.Е. Структура лексического и фразеологического значения / Л.Е.Кругликова. М.: Наука, 1988. - 83 с.

35. Кубрякова Е. С., Демьянков В. З., Панкрац Ю. Г., Лузина Л. Г. Краткий словарь когнитивных терминов. – М.: Филол. ф-т МГУ им. М. В. Ломоносова, 1996. – 245 с.
36. Кунин А.В. Фразеология современного английского языка / А.В.Кунин. М.: Высш. шк., 1996. - 380 с.
37. Мелерович А.М. Формирование и функционирование фразеологизмов с культурно маркированной семантикой в системе русской речи. // Фразеология в контексте культуры. М.: Школа «Языки русской культуры», 1999. - 336 с.
38. Мордкович Э.М. Экспрессивность фразеологических единиц // Проблемы фразеологической семантики / В.М.Мокиенко. СПб., 1996. -С. 39-68.
39. Назаров О. Сопоставительный анализ соматических фразеологизмов русского и туркменского языков: Автореф. дисс. . канд. филол. наук. Ашхабад, 1973. - 29 с.
40. Постовалова В. Язык и картина мира. – М.: Наука, 1988. – С. 8
Райхштейн 1960: 69 с.
41. Сафиуллина Г.Р. Фразеологические единицы с затемненной внутренней формой в английском и турецком языках: Дисс. . канд. филол. наук. Казань, 2000. - 258 с.
42. Смирницкий А.И.. К вопросу о совпадении фразеологических оборотов в английском языке . // Вопросы языкознания. -1982.-С. 106-114.
43. Солодуб Ю.П. Русская фразеология как объект сопоставительного структурно-типологического исследования (на материале фразеологизмов со значением качественной оценки лица): Дисс. . докт. филол. наук. -М., 1986.-406 с.
44. Солодухо Э.М. Сопоставительный анализ заимствованной фразеологии (на материале английского, французского и русского языков): Автореф. дисс. . канд. филол. наук. Казань, 1974. -24 с.

45. Телия В.Н. Первоочередные задачи и методологические проблемы исследования фразеологического состава языка в контексте культуры // Фразеология в контексте культуры. М., 1999. -С.32-45.

46. Фридзон А.К. Фразеологические единицы с компонентом «сердце» в русском языке / А.К.Фридзон // Фразеология и миропонимание народа: В 2 ч. 4.1 .Фразеологическая картина мира. Тула, 2002. - С. 84-89.

47. Хоссейн М.А. Национально-культурные особенности соматических фразеологизмов русского языка: Автореф. дисс. . канд. филол. наук. М., 1994. - 16 с.

48. Шаммаева Н.Ш. Сопоставительное исследование фразеологических единиц английского и туркменского языков: Автореф. дисс. . докт. филол. наук. М., 1994. - 28 с.

49. Шубина В.П. Экспрессивность и оценка компоненты денотации // Образные и экспрессивные средства языка (английского, немецкого, французского). - Ростов, 1986. - С. 31-38.

50. Черданцева Т.З. Язык и его образы: Очерки по итальянской фразеологии Изд. 3-е. М.: Издательство ЛКИ, 2010. — 168 с. (Языки народов мира.)

Фойдаланилган луғатлар:

51. Cambridge International Dictionary of Idioms. – United Kingdom at the University Press, Cambridge. 2002 – 608 p.

52. Charles H. Zastrow. Social Work with Groups. Cengage Learning, 2012 – 560 p.

53. Edna Buchanan. Cold Case Squad. Simon and Schuster, 2004. 275. p.

54. Joan Andrews, Denise E. Davis. Check Up from the Neck Up: Ensuring Your Mental Health in the New Millennium. Hope Press, 2000. 548 p.

55. John Long. Johnny Barleycorn. Virtualbookworm Publishing, 2012 – 248p.

56. Macmillan English Dictionary for Advanced Learners – Bloomsbury Publishing Plc, 2002 – 1692 p.

57. Merriam Webster Dictionary Online [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.merriam-webster.com/>

58. Ola Vay. Georgia Peaches: A Novel Extraordinaire. iUniverse.2001–348p.

59. R. W. Connell, Masculinities, University of California Press, 2005, 349p.

60. The Rotarian an international magazine. – Jun 1976. Vol. 128, No. 6

Интернетдан олинган маълумотлар:

1. [http:// www.bookmoon.co.kr](http://www.bookmoon.co.kr).
2. [http:// www.lingvoconcept.co.kr](http://www.lingvoconcept.co.kr)
3. [http:// www.linguists.ru](http://www.linguists.ru)
4. [http: // www.classes.ru](http://www.classes.ru)
5. <http://www.merriam-webster.com>